O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№ 004091

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 17-апрел • № 16 (3999)


## ҒУРУРИМСАН, ФАХРИМСАН, ВАТАН!

***Давлатимиз раҳбарининг "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика қўшиқлар танловини ўтказиш тўғрисидаги қарори биз санъаткорлар, маданият аҳли, ёш ижрочилар ва, албатта, барча қўшиқ ихлосмандларини бениҳоя руҳлантириб юборди. Бу қарор истиқлол шарофати билан халқимиз ҳаётида юз бераётган оламшумул ўзгаришларни, миллий-маънавий қадриятларимизни, озод ва обод юртимизнинг буюк келажагини куй-қўшиқ воситасида ифодалаш, миллий эстрада санъатимизни янада ривожлантиришнинг янги истиқболларини очиб бериши шубҳасиз. Муҳтарам Президентимизнинг биз санъаткорларга нисбатан алоҳида ғамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлган мазкур танлов халқимиз орасидан етишиб чиқаётган истеъдодли ёшларга ўз маҳоратларини тўла намоён этиш имкониятини беради, уларни янги ижодий парвозларга чорлайди.***

*(ЎзА) олган суврат

*Ифтихор туйғуси*

"Ягонасан, муқаддас Ватан!". Ҳа, Ватан биз учун ягона. Унинг ҳар зарра тупроғи, сув ва ҳавоси, тоғу тошлари, қирадирлари, боғларию гиёҳларигача — ҳаммаси биз учун муқаддас. Шу азиз Ватанда яшаётган, камол топаётган ҳар бир киши, ёшидан, касб-коридан қатъи назар, Ватанга бўлган муҳаббатини сўзда эмас, амалда намоён қилиши, ташаббускорлиги, бунёдкорлиги билан ўз ортидан бошқаларни ҳам эзгу ишларга илҳомлантириши зарур. Олиму ижодкор, боғбону чорвадор, қурувчи ё талаба — ҳамма-ҳамманинг ўй-хаёли, фикри-зикри шу она бешикнинг янада гуллаб-яшнаши, турмуш тарзимизнинг янада фаровон бўлиши, Ватан осмонида бобо қўёшнинг ҳамиша чарақлаб туриши билан банд бўлса, шу улуғ мақсад йўлида фидойилик қилса, шундагина биз Ватан олдидаги ўз фарзандлик бурчимизни тўла адо этган бўламиз.

Қарорда санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган, ор-номус, қадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этувчи юксак савиядаги қўшиқларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланади. Демак, қўшиқлар танловининг барча босқичлари, якуни талаб даражасида, кўтаринки руҳда ўтказилиши учун ҳаммамиз масъулмиз.

Ўзини ижодкор деб билган ҳар бир киши Ватанни шарафлашдан, унинг равнақи учун жон куйдиришдан, элим деб, юртим деб ёниб яшашдан завқланиши керак. Ватан, миллат тақдири учун дахлдорлик ҳисси унга ҳамиша ҳамроҳ бўлиши лозим. Ота-боболаримизнинг киндик қони тўкилган табаррук замин ҳақида, унинг порлоқ эртаси тўғрисида куйлаш, ҳар бир ёш ижрочининг чин маънода ифтихорига айланиши зарур. Шу юрт бағрида ўсиб-улғайиб, камол топаётган ёш авлод Ватан туйғуси энг олий неъмат эканини чин дилидан англаб олсин.

Она замин ҳақида қанча жўшиб, тўлиб-тошиб куйламайлик, қанча қўшиқлар яратмайлик, бу муқаддас мавзу биз учун, санъат оламига биздан кейин кириб келадиган янги-янги ижодкорлар учун ҳам битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб қолаверади. Шундай экан, муҳтарам Юртбошимизнинг мазкур қароридан илҳомланиб, шоирлар, бастакору хонандалар, концерт ташкилотчилари ҳамкорлигини йўлга қўйган ҳолда тайёргарлик ишларини бошлашимиз лозим бўлади. Маданият ходимлари, мумтоз ва замонавий мусиқа санъатининг билимдонлари саналмиш устоз ва мураббийлар бу ишга бош-қош бўлишлари керак.

"Энг гўзал ва дилбар қўшиқлар Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар эл-элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув яшашга, Ватанни ҳар томонлама юксалтиришга, кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ва кўксини қалқон қилишга даъват этади... Замонлар ўтаверади, даврлар ўтаверади, аммо Ватан абадийдир. Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш эса энг олий бахтдир".

Юртбошимизнинг бу пурҳикмат сўзларидан илҳомланиб, озод ва обод Ўзбекистонимизни, меҳнатсевар, санъатсевар халқимизнинг буюк келажагини куйлаш ҳаммамизга насиб этсин. Жаннатмонанд юртимиз, саҳоватли, бағрикенг халқимиз ҳамиша омон бўлсин.

**Ғуломжон ЁҚУБОВ,**
**Зулайҳо БОЙХОНОВА,**
**Ўзбекистон халқ артистлари**
**Ғиёс БОЙТОЕВ,**
**Озодбек НАЗАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.**

## ҚЎШИҚ — КЎНГИЛ МУЛКИ

*Ёзувчилар уюшмасида*

Дилдан куйланган қўшиқлар ҳамма вақт ҳам инсон руҳий оламига ижобий таъсир кўрсатиб, тингловчи қалбида янги орзу-ниятлар уйғотган, эзгу амалларга даъват этган, ёшларни она-Ватанни севишга, уни асраб-авайлашга ундаган, Ватан туйғусини шакллантирган. Сўз, мусиқа ва ижро маҳорати бир-бирига мутаносиб қўшиқларнинг боқий умри, маънавий таъсир кучи шундан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг таклифини маъқуллаб, 2009 йилдан бошлаб ҳар йили **"Ягонасан, муқаддас Ватан!"** кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижодкор зиёлилар, кўпсонли қўшиқ мухлислари томонидан мамнуният билан кутиб олинганининг боиси ҳам шунда. Зеро, мустақил давлатимизда, ҳар биримизнинг ҳаётимиз, турмуш тарзимизда юз бераётган ўзгаришлари, озод диёримизнинг халқаро нуфузини тараннум этиш, муқаддас заминимизни улуғлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг навбатдаги йиғилишида Бастакорлар уюшмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, бастакорлар, қўшиқчи шоирлар билан биргаликда мазкур танловни тайёрлаш ва уни ўтказиш билан боғлиқ вазифалар муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси раҳбари Азамат Ҳайдаров, таниқли бастакор Анор Назаров, ёзувчи Омон Мухтор ва бошқалар ўз сўзларида Ватанимиз шаён-шарафини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш туйғусини шакллантиришда мазкур танлов катта аҳамият касб этишини таъкидладилар. Бинобарин, кўрик-танловнинг дастлабки босқичларидаёқ халқимиз орасидан етишиб чиқаётган янги ёш истеъдод эгаларига, юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлган пишиқ-пухта матнларни талабчанлик билан танлашга ҳамда шоир — бастакор — ижрочи ижодий ҳамкорлигини таъминлашга аҳамият бериш лозим. Бунинг учун шоир ва бастакорлардан иборат ижодий гуруҳларнинг вилоятларга сафарларини ташкил этиш, меҳнат жамоаларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида миллий қўшиқчилигимизга доир давра суҳбатлари, ижодий кечалар, қизиқарли учрашувлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Йиғилишда Ёзувчилар уюшмаси таркибида Бадиий публицистика кенгашини тузишга ва қўшиқчилик секцияси фаолиятини йўлга қўйишга қарор қилинди.

*Шеърий лаҳза*

**Азим СУЮН**

### Навоийдан топдим

**Неки бир сўз изладим — Навоийдан топдим,**
**Қалб муродин кўзладим — Навоийдан топдим.**

**Тополмадим ота-онам ҳаққига жонсўз,**
**Навоийдан сўзладим — Навоийдан топдим.**

**Ватан надир — ўз уйинг ёки башар мулки?**
**Кўкламладим, кузладим — Навоийдан топдим.**

**Айтмоқ истадим дўст-ёронга ҳикмат ё байт,**
**Кўзгуни кўзгуладим — Навоийдан топдим.**

**Ёрга ошиқ бўлиб, битолмадим ишқ хатин,**
**Ойладим, юлдузладим — Навоийдан топдим.**

**Комил сўзу комил амал — комил тарбият,**
**Ибратини бўзладим — Навоийдан топдим.**

**Замон борки, бор риёкор золиму фосиқ,**
**Қамчиладим, тузладим — Навоийдан топдим.**

**Не туйғу ҳолати йўқ, демак, у асли йўқ,**
**Азизин азимладим — Навоийдан топдим.**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов шеърлари билан таниш бўлмаган, ғазалларига басталанган қўшиқларни тингламаган, достонларидан завқ олмаган китобхонни, қўшиқсевар тингловчини топиш қийин бўлса керак. Адабий-бадиий учрашувлар, ёшлар давраларида шоирнинг кўпчиликка ёд бўлиб кетган машҳур сатрлари мароқ билан ўқилади.

Яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ёшларнинг севимли шоири Эркин Воҳидов билан учрашув бўлиб ўтди. "Публицистика ва адабиёт" кафедраси ташаббуси билан ташкил этилган бу анжуманда ижодкор зиёлиларнинг Ватан, миллат, адабиёт олдига бурчи, қалам соҳибларининг маънавияти, сўзга масъуллиги, бугунги ўзбек шеъриятининг нуфузи, мамлакатимизда ижодкорларга, хусусан, ёш истеъдод эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрлик тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, адабиётшунос олимлар Бахтиёр Назаров, Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораев, Нарзулла Жўраев ва бошқалар ўз сўзларида Эркин Воҳидов ижодининг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилинган "Тирик хазина" мақоласида кўтарилган муаммолар хусусида баҳс юритдилар.

* * *

**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида таниқли шоира Гулчеҳра Жўраеванинг "Сени севаман, ҳаёт" номли янги шеърий сайланмаси чоп этилди. Кўз нури, ақл заковати, юрак ҳарорати, машаққатли изланишлар маҳсули бўлмиш бу китоб шоиранинг ўз мухлислари олдидаги сарҳисобидир.**

**Китоб таниқли мусаввир Фирдавс Файзуллонинг асарлари билан безатилган.**

* * *

Хива шаҳридаги Ичанқалъанинг Арк майдонида "Аждодлар мероси — келажак пойдевори" кўрик-танлови бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида бир неча йиллардан бери ўтказиб келинаётган бу тадбир якунига кўра, Фарғона туманидаги 10-умумтаълим мактабининг "Турон", Косон туманидаги 8-мактабнинг "Соҳибқирон" жамоалари барча шартларни мукаммал бажариб, биринчи ўринни, Хоразм ва Жиззах вилоятидан келган жамоалар эса иккинчи ўринни эгалладилар.

Голибларга эсдалик совғалари топширилди.

## ДУНЁ КЕЗАЁТГАН КУРАШ



Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1993 йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу мусобақанинг нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда. Бугунги кунда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида ўзбек кураши бўйича ассоциациялар тузилиб, дунё полвонлари ҳалоллик, бағрикенглик, рақибга ҳурмат принципларига асосланган бу спорт тури билан жиддий шуғулланмоқдалар.

Халқаро турнир олдидан пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Кураш халқаро ассоциациясининг ижроқўм йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дунё эътироф этган, қатнашувчилар сафи тобора кенгайиб бораётган бу мусобақа турини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Йиғилишда Африка миллий Олимпиа қўмиталари ассоциацияси президенти Ласанно Паленфо, Халқаро Олимпиа қўмитаси аъзоси Ирена Шевинска ўзбек курашининг бугунги нуфузига юксак баҳо бердилар.

Кураш янги спорт тури эмас. Минг-минг йиллардан бери Алпомиш келбат полвонларимиз очиқ майдонларда ҳалол куч синашиб, ўз маҳоратларини намойиш этишган, бир-бирларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишган. Бундай беллашувга ғирромлик аралашмаган. Шу боис, бугунги кунда ўзбек курашига дунёнинг беш қитъасида жуда катта қизиқиш мавжуд. Аввалги беллашувларда бразилиялик Карлос Хонорато, туркиялик Селим Тотор ўғли, эронлик Саид Хусрави Нежад ва бошқа кўплаб полвонлар совриндор бўлишганининг ўзи фикримизга далил бўла олади. Кураш боис, кўплар ўзбек тилини, маданиятимизни, урф-одатларимизни ўрганишаётгани, айниқса, қувонарлидир.

IX Халқаро анъанавий турнирни, қадимий одатга кўра, кекса полвонлар ва ёш курашчилар бошлаб беришди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов мусобақа қатнашчиларини қутлаб, уларнинг ҳар бирига майдонда омад тилади ва ҳамюртимиз Абдулла Тангриев шаънига чиройли шеърий лутф қилди: "Меросий полвонсан, Алпомиш отанг, Чақноқ кўзларингда офтоб шуъласи. Рақибингни силтаб осмонга отсанг, Ойни кўриб қайтар биратўласи".

Қизиқарли ва муросасиз ўтган беллашувларда ҳамюртларимиз Ришод Собиров, Ўктам Бобоев, Бобомурод Рустамов, Абдулла Холиёров, туркиялик Омар Демиржи ўз вазнларида ғолиб бўлдилар. Мутлақ вазн тоифасидаги якунловчи беллашувда Абдулла Тангриев бразилиялик полвон Карлос да Силва билан беллашиб, соф ғалабага эришди. Мусобақа низомига кўра, ғолиб 10 минг АҚШ доллари билан тақдирланди.

**Ўз ахборотимиз**

***Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари турли халқаро танловларда қатнашиб, мамлакатимиз ёшлари салоҳиятини намойиш этмоқдалар. Москва шаҳрида Н.П.Осипов хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро танловда лицей ўқувчиларидан Мухторжон Муҳаммадалиев афғон-рубоби йўналиши бўйича биринчи, Ҳошимжон Қобилов дутор-бас йўналиши бўйича иккинчи ўринга сазовор бўлди. Сурайё Тиллахўжаева танловнинг "Энг яхши жўрнавоз" дипломи билан тақдирланди.***

СУРАТДА:
танлов совриндорлари.

## "НАҚШБАНДИЯ"

*Янги нашр*

Даврий матбуотимизда яна бир янги нашр иш бошлади. Бу Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази муассислигида йилнинг ҳар чорагида бир марта чоп этилиши режалаштирилган "Нақшбандия" илмий-маърифий, адабий-бадиий журналидир.

Журнал Нақшбандия сабоқларини бутун жозибаси ила халқимиз онгига ва қалбига етказишни ўзининг фахрли вазифаси, деб билади. Журналнинг илк сони мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Бухорога ташрифи давомида билдирган ибратли фикрлари билан очилади. Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олимнинг "Безовталик" мақоласида эса Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари яхлит ва улкан замонавий маънавий таълимот сифатида таҳлил этиб берилади.

Муштарийлар севимли шоирларимиз Эркин Воҳидов ва Жамол Камолнинг бир неча нафис ғазалларини, журнал мухбирининг академик Азиз Қаюмов билан буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбандга теран эъзозли муносабатига доир "Қўнгил нақши илмдандир" мавзуидаги суҳбатини ўқийдилар.

Маълумки, тасаввуф фалсафаси, чуқур инсонпарварлик, диёнат, иймон, пойлик ғоялари билан ичдан нурланиб турган бу таълимот асрлар мобайнида Шарқ мумтоз адабиёти ва санъати ривожи йўлида чироғбон бўлиб келди. "Нақшбандия"нинг бир неча саҳифасини эгаллаган таниқли олимлар Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Эргаш Очилов, Олег Акимушкин, Акбар Ҳакимов ва бошқа муаллифларнинг мақолаларида шу масала атрофлича таҳлил ва тадқиқ этилади. Журналда яна бир талай қизиқарли рукнлар ва мақолалар ҳам бор. Айтайлик, "байрам" сўзининг пойдеворида қадимги туркий "ёйил, яйра" маъноларини англатувчи "баз" туришини кўпчилик билмайди. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғатит турк" асарида айтилишича, "байрам" сўзи қадимда "базрам", деб истифода этилган экан. Ёки "лайлак" сўзи аслан арабча "лақлақа" ("тумшуғини бир-бирига уриб товуш чиқарди") сўзининг туркий ва форсий тиллардаги шакли экан. Тилимиздаги ана шундай баъзи сўзлар этимологиясини журналнинг "Сўзлар сўзлаганда" рукни остида эълон қилинган Шодмон Сулаймоновнинг мақоласидан ўқиб билиб оласиз.

"Нақшбандия"ни варақлар эканмиз, ўзимизни маърифат гулшанига тушиб қолгандай ҳис этамиз. Унинг муаттар ва ҳикматли иқлими муштарийлар руҳиятига эзгуликлар ҳадя этаверади.

**Михли САФАРОВ**

***Журналнинг мазкур сонида эълон қилинган Абдулқарим ас-Самъонийнинг "Шошлик алломалар" мақоласидан бир фаслни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.***

## ИЖОДИЙ САФАР

*Маълумки, 2006 йилдан бери Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик марказининг "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимиз вилоятларига "Халқ ижодиёти поезди"ни юбориши яхши анъанага айланди. Бунинг боиси, таниқли санъаткорлар билан бўладиган учрашув ва концертларни, давра суҳбатларини санъатсевар халқимиз мамнунлик билан кутиб олмоқда.*

*Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган матбуот анжуманида марказ раҳбари Ўрозали Тошматов бу галги "ижодий поезд"нинг мақсад ва вазифалари тўғрисида сўзлаб берди. Ижодий гуруҳ таркибида халқаро ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар, фестивалларнинг ғолиблари, Фарғона туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли "Полвон" халқ анъанавий цирк гуруҳи, Бухоро шаҳар маданият уйи рақс жамоаси, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туман маданият уйи "Аму ҳавоси" ашула ва рақс ансамбли рақс гуруҳи, Балиқчи туман маданият уйи қошидаги "Сўтақўзи" миниатюра халқ театри, сурхондарёлик ёш бахши Илҳом Норов, Наманган шаҳрида ўтказилган лапар ва ўлан ижрочилари республика танлови ғолиблари, шунингдек, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг таниқли хонандалари, Шаҳрисабз шаҳридаги Ғайрат Пўлатов раҳбарлик қилаётган "Ёшлик" киностудияси ижодкорлари бор.*

*Ижодий сафар ҳақидаги материалларни газетамизнинг келгуси сонларида ўқийсиз.*

# ШОШЛИК АЛЛОМАЛАР

Тошкент – 2200

"Насаб" арабча сўз бўлиб, келиб чиқиш, насл-насаб, сулола, аждод маъноларини англатади. Ислом аҳлининг кўпайиши, араб халқларининг ажам халқлари билан қўшилиб кетиши насабларни ўрганиш ҳақидаги илмнинг дунёга келишига замин яратди. Унинг асосчиси насаб илмининг имоми Ҳишом ибн Муҳаммад ибн Соиб ал-Килабий (вафоти ҳижрий 204 (милодий 820) йил)дир.

Шу анъана давомчиси "Ал-Ансоб" муаллифи — тож ал-ислом Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний ал-Марвазий ал-Ҳофиз ҳижрий 506 (милодий 1113) йилнинг шаъбон ойида Марвда дунёга келганлар. (Ҳижрий 562 (милодий 1167) йилда Марвда вафот этганлар). Тамим қабиласининг бир тармоғи ҳисобланган самъонийлардан бўлганликлари учун бу зотга *Ас-Самъоний* нисбати берилган.

"Ал-Ансоб", шубҳасиз, қомусий билимлар соҳиби Ас-Самъоний ижодининг баркамол намунасидир. Бу нодир дурдона ўрта асрлар географик манзарасини тиклашга ҳисса қўшувчи улкан солнома ўлароқ ислом манфаатлари йўлида жонбозлик кўрсатган бир қатор шайхлар, муҳаддислар, мураррихлар ва адиблар ҳақида маълумот бериши билан илм-фан тарихида беқиёс ўрин тутади.

Мусулмон оламида VIII — XII асрларда машҳур бўлган уламолар ҳақида мухтасар маълумот берувчи асарнинг Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган алломаларга оид маълумотларидан танланган таржимаси ҳижрий 1408 (милодий 1988) йилда Байрут (Ливан)нинг "Дор ал-жинон" матбаасида чоп этилган 5 жузлик нашри асосида амалга оширилди.

"Насабнома" ("Ал-Ансоб") муаллифи берган маълумотлар аниқлиги, ишончли манбаларга таянганлиги билан диққатни тортади. Жумладан, асарда жой номлари билан боғлиқ атамалар масаласида баҳсли фикрлар туғилишининг олди олиниб, уларнинг ёзув шаклига алоҳида эътибор берилган, бу сўзларнинг ўқилиши ҳам махсус транскрипцион тамойиллар асосида изоҳланган. Абдулғафур Раззоқ Бухорий ва Комилжон Раҳимовлар ғайрати билан араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинган мазкур асар Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан 2003 йилда "Бухоро" нашриётида чоп этилди (Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб). Араб тилидан Ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий ва Комилжон Раҳимовлар таржимаси. "Бухоро" нашриёти, 2003).

Қадрли муштарий! Маълумингизким, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиғини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармонига биноан, жорий йилда мамлакатимизнинг муаззам пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг миқёсда тантана қилинади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган — Абдулкарим ас-Самъонийнинг "Ал-Ансоб" асаридан олинган ўз замонасида мусулмон Шарқи илм-фани ривожида беқиёс ўрин тутган шошлик алломалар ҳақидаги қимматли мулоҳазалар Сизнинг кўҳна Шош тарихига оид тасаввурингизни бойитишига, маънавий оламингизга кўрк бўлиб қўшилишига ишонамиз!

* * *

***Ал-Одамий*** — *Абу Бакр* ***Аҳмад*** *ибн Муҳаммад Одам* ***ал-Одамий аш-Шоший*** (X аср) Шош аҳлидан. Боболарининг исмлари Одам бўлганлиги учун бу кишига "Ал-Одамий" нисбати берилган. Илм талабида Ироқ ва Ҳижозда бўлганлар. Ҳабиб ибн Муғира аш-Шоший, Ҳомид ибн Довуд аш-Шоший, Убайдуллоҳ ибн Восил ал-Бухорий, Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Идрис ар-Розий ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Муқридан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад аш-Шоший, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ал-Ғаззол ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Иштиҳаний ҳадис ривоят қилганлар.

***Ал-Усбоникатий*** — **Усбоникат** — Моровроуннаҳрдаги шаҳар бўлиб, Исфижоб яқинида жойлашган.

*Абу Наср* ***Аҳмад*** *ибн Зоҳир* ***ал-Усбоникатий*** шу шаҳардан бўлиб, адиб, фозил, ишончли муҳаддис, қалблари яхши амаллар қилишга мойил эди. Фақиҳ Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Калободий ал-Бухорий ас-Сибадмунийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд ал-Идрисий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар ва айтадилар: "Аҳмад ал-Усбоникатий Самарқандда яшар эдилар. Ҳижрий 360 (милодий 972) йилдан кейин Самарқандда вафот этганлар".

*Абу Али* ***Ҳусайн*** *ибн Муҳаммад* ***ал-Фақиҳ ал-Усбоникатий*** ҳам шу шаҳардан бўлиб, юқорида номлари зикр қилинган адибнинг жиянлари. Бу киши фақиҳ, фозил ва ҳисоб (математика) илмига моҳир эдилар. Самарқанд олимларидан таълим олиб, фақиҳ бўлганлар. Кейинчалик ўз шаҳарлари Усбоникатга жўнаб кетганлар. Самарқандга келиб, тижорат билан ҳам шуғулланар эдилар. Ҳижрий 370 (милодий 981) йилдан кейин Усбоникатда вафот этганлар.

*Абул Ҳасан* ***Саид*** *ибн Ҳотам* ***ал-Фақиҳ ал-Усбоникатий*** Самарқандда яшар эдилар. Шайх, фозил, тақводор, парҳезкор ва фақиҳ эдилар. Самарқандда узоқ муддат яшаганлар. Ўғиллари Ҳасан шу ерда туғилган. Самарқандда фақиҳ Абул Ҳасан ар-Раҳбийдан таълим олганлар. Шайх Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Саъд Абдураҳмон ал-Идрисий таълим олганлар. Ҳижрий 380 (милодий 991) йилдан олдин турк юртларига чиқиб кетиб, кейинчалик Усбоникатга қайтиб келганлар ва шу ерда вафот этганлар.

***Зафар*** *ибн Лайс* ***ал-Усбоникатий*** Исфижоб шаҳридан. Фақиҳ ва муҳаддис эдилар. Қози Муҳаммад ибн Асламдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 320 (милодий 933) йилдан кейин вафот этганлар.

*Абу Бакр* ***Муҳаммад*** *ибн Суфён* ***ал-Усбоникатий ал-Фақиҳ*** Насафда анча муддат ҳоким бўлганлар. Парҳезкор, тақводор, покиза ва фозил ҳоким эдилар. Бу киши ҳақида Абу Саъд ал-Идрисий "Тарихи Насаф" китобларида зикр қилиб қуйидагича айтганлар: "У киши фиқҳ илмини Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳасан ал-Форисийдан олганлар. Йирик фақиҳлардан эдилар. Шош муфтиси фақиҳ Абул Ҳасан Али ибн Закариёдан эшитдим. У айтар эди: "Абу Бакр ал-Форисийнинг бирорта шогирди ундан фиқҳ ва калом илмини Абу Бакр ал-Усбоникатийдек яхши ўрганган эмас. Агар кишилар девор орқасидан Абу Бакр ал-Усбоникатийнинг овозини эшитсалар, Абу Бакр ал-Форисий гапираяпти, деб ўйлар эдилар". Ҳижрий 375 ёки 376 (милодий 986 ёки 987) йили Суғдда вафот этганлар.

***Ал-Ийлоқий*** — **Ийлоқ** (Оҳангарон водийси) — Шошдан ўн фарсах узоқликдаги шаҳар. Бу ерга келганлар бундай сўлим ва тоза шаҳарни кўрмаганлар. Сув водийдан келган. Унинг тоғларида тилла ва кумуш бор. Бу ердан кўп олим ва имомлар етишиб чиққанлар. Уларнинг машҳурларидан:

*Абу Раби* ***Тоҳир*** *ибн Абдуллоҳ* ***ал-Ийлоқий*** буюк фиқҳшунос эдилар. Марвда Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Марвазий, Нишопурда Абу Тоҳир Муҳаммад ибн-Маҳмаш аз-Зиёдий ва Бухорода олим Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Ҳасан ал-Ҳалиймий қўлларида фиқҳ илмидан таълим олганлар. Шош аҳли бу кишидан фиқҳ илмидан таълим олган. Абу Наим Абдулмалик ибн Ҳасан ал-Азҳарийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 465 (милодий 1073) йили 96 ёшда вафот этганлар.

Фиқҳшунос *Абу Абдуллоҳ* ***Муҳаммад*** *ибн Довуд* ***ал-Ийлоқий*** — Ийлоқ аҳлидан. Хуросонда Ҳасан ибн Масъуддан, Марвда Ар-Равздан, Нишопурда Муҳаммад ибн Яҳёдан фиқҳ илмидан таълим олганлар. Чиройли сийратли бу киши кўп хайрли иш қилувчи ва кишиларнинг ҳожатларини чиқаришга доимо мойил эдилар. Биз билан Марвга келиб, менинг мадрасамда бир неча муддат яшадилар. Мен у кишидан ҳадисдан дарс олгандим. Ҳижрий 539 (милодий 1145) йилда вафот этганлар ва Синждонда дафн қилинганлар.

Яна шу қишлоқлик *Абу Салама* ***Наср*** *ибн Муҳаммад* ***аш-Шоший ас-Суфий ал-Ийлоқий*** Шошда турардилар. Фозил, яхши хулқли, ҳожи, муҳаддис эдилар. Кишилар бу зотдан ҳадис ёзиб олардилар. Имом ал-Бухорийнинг дўстлари Абдураҳмон ибн Муҳаммад ал-Бухорий ва Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 370 (милодий 981) йилда вафот этганлар.

***Ал-Борискатий*** — **Борискат** — Шош шаҳарларидан.

***Абу Аҳмад аш-Шоший ал-Борискатий*** шу шаҳардан. Абд ибн Ҳумайд ал-Кеший (ваф. 249/864)дан ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан Абул Фазл ибн Муҳаммад аш-Шоший ҳадис ривоят қилганлар.

***Ал-Боробий*** — **Бороб** (ёки "Фороб" деб ҳам айтилади) — Сирдарё ортидаги ноҳия.

*Абу Закариё* ***Яҳё*** *ибн Аҳмад* ***ал-Адиб ал-Боробий*** — Бороб аҳлидан. Бу киши наҳв илми соҳиби, араб тили билимдони ва адиб эдилар. "Ал-Масодиру фи ал-луға" (Тилшуносликдаги ўзаклар) китобининг тузувчиси. Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Исфижобда Ҳасан ибн Мансур ал-Муқри ҳадис ривоят қилганлар.

***Ал-Бискатий*** — **Бискат** (ҳозирги Пискент) — Шошдаги таниқли шаҳар. Бу шаҳардан бир гуруҳ уламолар етишиб чиққанлар.

*Абу Иброҳим* ***Исмоил*** *ибн Аҳмад* ***ал-Бискатий аш-Шоший*** фақиҳ эдилар. Илм олиш мақсадида Марвга келиб, Абу Наср Аҳмад ал-Анмотий ал-Марвазийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Туроб Исмоил ибн Тоҳир ан-Насафий таълим олганлар. Ҳижрий 400 (милодий 1010) йилдан кейин вафот этганлар.

***Ал-Бинкатий*** — **Бинкат** (ҳозирги Бекобод) — Шош қишлоқларидан.

*Абу Саид* ***Ҳайсам*** *ибн Кулайб* ***аш-Шоший ал-Бинкатий*** шу қишлоқдан. Бу киши асли термизлик бўлиб, Бинкат қишлоғида яшаб, шу ерда қолиб кетганлар. Шунинг учун шу нисбат берилган. У киши адабиётни Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қутабийдан ўрганган бўлиб, энг яхши шеърларни ёдлар эдилар. "Ал-Муснад ал-кабир" китобини жамлаганлар. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Аббос ибн Муҳаммад ад-Дуварий, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний каби Хуросон ва Ироқ олимларидан дарс олганлар. Ўзларидан эса Абул Фазл Мансур ибн Наср ал-Коғазий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 350 (милодий 962) йилда вафот этганлар.

***Ат-Тункатий*** — **Тункат** — Шош шаҳарларидан. Сирдарё ортида жойлашган бу шаҳардан кўп илм аҳли етишиб чиққан.

*Абу Лайс* ***Наср*** *ибн Ҳасан* ***ат-Тункатий*** шу қишлоқдан. У кишини "Абул Фатҳ" деб ҳам айтганлар. Ғарб мамлакатларида бўлганлар ва Андалус (Испания) шаҳрида бир неча муддат яшаганлар. Машҳур тижоратчи ҳам эдилар. У киши ўша ерлик олимлардан дарс олардилар ва Муслим ибн Ҳажжожнинг "Саҳиҳ ул-Муслим" китобидан дарс берардилар. Ўзларидан кўп олимлар дарс олганлар. Умрларининг охиригача Нишопурда яшаганлар. Одамлар сув ичсинлар деб жоме масжидида қудуқ қазганлар. Кўп хайрли ишларга бош-қош бўлганлар. Наср ибн Ҳасан аш-Шоший айтадилар: "Бир кун кемада денгизда сайр қилдим. Денгизнинг қирғоғига етиб борганимда, тошдан ясалган, сувдан кўтарилган, аммо қўли эгри бир суратга дуч келдим. Унда: "Бу ердан ўтма! Чунки чумолилар сени ейди", — деб ёзилган эди. У киши ҳижрий 406 (милодий 1016) йилда туғилиб, ҳижрий 486 (милодий 1094) йилнинг зулқаъда ойида Нишопурда вафот этганлар ва "Ҳайрат" қабристонида дафн қилинганлар.

*Абу Жаъфар* ***Ҳалим*** *ибн Умар* ***ал-Бухорий ат-Тункатий*** Бухоро аҳлидан бўлиб, Тункат қишлоғида яшаганлар. Имом ал-Бухорийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 313 (милодий 926) йилда вафот этганлар.

***Ал-Харашкатий*** — **Харашкат** — Шош шаҳарларидан. Бу шаҳардан кўп олимлар чиққан.

Булардан *Абу Саид* ***Саъд*** *ибн Абдураҳмон* ***ал-Харашкатий*** Юсуф ибн Яъқуб ал-Қози, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳазрамийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 340 (милодий 952) йилда вафот этганлар.




# КОМИЛЛИК МЕЗОНЛАРИ

Баъзан таниш-билишларга баҳо берганда "ўқимишли" сифатини қўшиб қўямиз: "ўқимишли қиз", "ўқимишли йигит", "ўқимишли киши" ва ҳоказо. Дарҳақиқат, ўқимишлилик инсон феъл-атворини баҳолашда маълум даражада мезон бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега маълум даражада?

Тўғри, ўқимишлиликка ўқиш орқали эришилади. Аммо у ёки бу олий ўқув юртини тугатиш, фан номзоди бўлиш кишини том маънода ўқимишли дейишга асос бермайди.

Китобни офтобга қиёс қиламиз, "билимлар хазинаси" деймиз. Чиндан ҳам китоб — кишилик жамияти томонидан яратилган энг буюк ихтиро, бир авлоднинг ўзидан кейинги авлодларга қолдирадиган бебаҳо маданий мероси. Китобхонлик комилликка эришиш йўлидаги муҳим босқичдир. Шу ўринда китобхонлик тор маънода китоб ўқишни билдирса, кенг маънода танлаб ўқиш, ҳис этиш, англаш ва фикр билдириш тушунчаларини ўз ичига олишини унутмаслик керак. У бадиий адабиётдан озиқланади, адабий танқид ва педагогика қўмагида юксалади.

"Ҳозир Шимолий Америка Штатлари жойлашган ерларда (сўз ўтган аср тўғрисида борянти — **С.М.**) бир замонлар қизил танли ҳиндулар яшар эдилар, — деб ёзади рус ёзувчиси Н.Чернишевский А.Пушкин ҳақидаги асарида, — у ерларда ҳозир ҳам шундай ҳиндулар яшайди. Турмуш учун ҳамма нарсага муҳтож бўлиб яшайдиган, ўзлари ҳам озчиликни ташкил этадиган қизил танлилар билан ҳамма нарсаси тўкис, ўзлари ҳам кўп ва бой шимолий америкаликларнинг бирбиридан фарқ қилишига бир назар солиб кўринг. Улар ўртасидаги бу фарқнинг сабаби нима? Бунинг сабаби фақат шуки, шимолий америкаликлар — ўқимишли одамлар, қизил танлилар эса ёввойилардир".

Н.Чернишевский ўша асарида "Кимнинг ўқимишли киши деб аталишга ҳаққи бор?", деган саволни ўртага қўяди-да, унга қуйидагича жавоб беради: "Кишининг том маънода ўқимишли бўлиши учун *жуда кўп илмли бўлиши, фикр қилишга одатланган ва олижаноб хислатларга эга бўлиши* (таъкид бизники — **С.М.**) зарур. Билими оз киши жоҳилдир, кимнинг ақли фикр қилишга ўрганмаган бўлса, у дағал ва қўполдир, олижаноблик туйғуси бўлмаган киши бемаънидир".

Олам жумбоқлари ҳад-ҳисобсиз. Инсон фақат илмга таяниб, унинг сирларидан воқиф бўла олади. Зеро, Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида: "Илм олиш ҳар бир мусулмон эр ва мусулмон аёл киши учун фарздир", "Бешикдан то қабргача илм олинг", дейилишида катта ҳикмат бор.

"Билим, — деб ёзади Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") асарида, — ипор билан жуда ўхшаш. Уларнинг ҳар иккаласини ҳам яширмоқ беҳуда. Ипорни яширсанг, ҳиди билдириб қўяди. Билимни яширсанг тилинг фош этади. Билим аслида битмас-туганмас бойликка ўхшаш. Аммо унинг бошқа бойликлардан тубдан фарқи бор:

***Билим — бойлик, ахир, заволдан йироқ,***
***Уни ола билмас қароқчи бироқ.***

Билим ва заковат кишига қўйилган ўзига хос кишандир. Кишанланган от, одатда, ёвуз ва ярамас нарсалардан узоқ бўлади. Шунингдек, суюкли, зўр отлар ҳам кўпинча кишанланган бўлади. Суюкли отнинг тушовланишига сабаб — унинг эҳтиётланиши".

Демак, ўқиш, илм олиш фақат олам жумбоқларини ечиш учун ёрдам бермайди, инсонни ёвуз ва ярамас нарсалардан асраб, унинг маънавий юксалишига ҳам йўл очади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг муборак таъбирлари билан айтганда: "Жаҳолат — ўлимдир, билим — тириклик".

"Илм — ўзни билмакдир. Сен ўзингни билмассан, бу нечун уринмакдир?", дейди турк шоири Юнус Эмро. "Илм, айни пайтда, ўзгани ҳам билмакдир, — дейди Иброҳим Ҳаққул. — Олимлик — олам ва одамни таниш, шунда адашмаслик заковатидан йироқ иш эмас. Илм ҳақдан юракка қуйилган нур. Илм — ҳаёт ва жамият муаммоларини бехато очиш шижоати. Илм — дилдаги, журъатдаги ёлқин. Ақл, ўз табиатига кўра, қўникувчан ва эгилувчандир. Шунинг учун у фақат илм таъсирида жасорат касб этади".

Шу ўринда Алоуддин Мансурнинг замондошлари томонидан "баҳри муғриқ" (тубсиз денгиз), "ҳужжатул ислом" деб тан олинган буюк аллома Муҳаммад Абу Ҳомид Тусий — Ғаззолий тақдирига оид қуйидаги ҳикоясини келтиришни жоиз деб топдик:

"Бошланғич билимлар ва ҳуқуқшунослик фанини туғилган шаҳрида ўрганган Абу Ҳомид кейинчалик Журжонга, ўша даврнинг машҳур қомусий алломаси Абу Наср ҳузурига бориб, таҳсил илмини ўша ерда давом эттиради. Бир неча йил мобайнида устозининг барча билимларини эгаллаб, ўқиб-ўрганган китобларига кўп жилдлик шарҳ ва изоҳлар битиб, ўз юртига қайтаётганида, йўлда келажак ҳаётида катта аҳамият касб этган бир воқеа рўй беради. Ғаззолийнинг ўзи бу ҳақда шундай ҳикоя қилади: "Йўлда карвонимизга қароқчилар ҳужум қилиб, бор нарсамизни талаб кетдилар. Мен қароқчилар бошлиғининг ортидан бориб: "Олган нарсаларинг орасида сенга ҳеч қандай фойдаси бўлмаган бир тўрва бор, шуни қайтариб бергин", деб ялиндим. "Тўрвангда нима бор эди?", сўради у. "Унда менинг бор илмим — жуда кўп китоблардан олиб ёзилган шарҳ ва изоҳлар бор. Неча йиллардан бери мусофирлик азобини тортиб топган бойлигим шу", дедим. Қароқчи кулиб: "Ҳар қандай одам олиб қўйиши мумкин бўлган нарсани "менинг илмим" дейишга уялмайсанми?", деди ва "Унинг илмини қайтариб беринглар", деб буюрди. Бу гап менга шундай қаттиқ таъсир қилдики, Тусга қайтиб келганимдан кейин уч йилгача уйдан ташқарига бир қадам қўймасдан ўша ёзган шарҳ-изоҳларимнинг ҳаммасини ёд олиб, ҳеч қандай қароқчи ололмайдиган жойга — қалбимга жо қилдим".

Илм — ўзни билмакдир

Демак, ўқимишлилик шунчаки ўқишни эмас, балки ўқиганини қалбига жо қилиб, унга амал қилишни ҳам тақозо этар экан. Шундагина билим ёвузликлардан асровчи кишан, эзгуликларга йўл очувчи калит вазифасини бажаради. Ўқиганини қалбига жойлагани учун ҳам "Қутадғу билиг" муаллифи Ҳоҷ Ҳожиб унвонига мушарраф бўлган, ҳазрат Алишер Навоий шеърият мулкининг султонига айланган, Маҳмуд Қошғарий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино сингари алломаларимиз доврўғи бутун дунёга ёйилган.

Н.Чернишевский айтмоқчи "жуда кўп илмли" бўлиш учун йиллар мобайнида изчил мутолаа талаб этилгани каби "фикр қилишга одатланиш", яъни мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлмоқ учун ҳам табиий фаҳм-фаросатдан ташқари, ақл-заковат зарур. Ч.Айтматов "Асрни қаритган кун" романида хотирасини йўқотган манқурт йигит Жўломон мисолида фикрсизлик инсонни мутеликка гирифтор қилишини маҳорат билан тасвирлаган. Романда келтирилган афсонани эсласангиз, босқинчи жунжанглар қўлга тушган асирларни хотирасидан жудо қилиб, қулга айлантириш мақсадида даҳшатли усулларни қўллайди. Ўзлигини, хотирасини йўқотгач, улар фикрлашдан тўхтаб манқуртга айланади. Ёзувчи ўзининг ким эканини унутиб мустақил фикрлаш қобилиятини йўқотганларни манқуртга қиёслайди. Бундай манқуртларнинг ҳатто туққан онасини ҳам танимаслиги чидаб бўлмас фожиадир.

"Ердан маҳрум этиш мумкин, — деб куяди ўғлининг манқуртга айланганини кўрган Найман она, — мол-дунёдан маҳрум этиш мумкин, ҳатто инсонни яшашдан маҳрум этиш мумкин. Бироқ одамни хотирасидан маҳрум этишни ким ўйлаб топди экан? Ё раббий, агар оламда бор бўлсанг, бандаларингга бу ёвузликни қандай раво кўрдинг. Ер юзида усиз ҳам ёвузлик каммиди?".

Демак, бизда мустақил фикр бўлмас экан, аслида ким эканимизни тушуниб етмаймиз. Тўмарис ва Широқлар авлоди эканимизни ҳис этолмаймиз. Улардан мерос бу Ватанни келажак авлодларга бағрини бутлаб етказолмаймиз.

Н.Чернишевский ўқимишлиликнинг учинчи белгиси деб ҳисоблаган олижанобликнинг шаклланиши санъат турлари, биринчи навбатда, бадиий адабиёт мутолааси билан боғлиқ. Санъатнинг чинакам мухлиси, бадиий адабиёт билан дўст тутинган киши бошқаларга ёмонлик тиламайди. Сезган бўлсангиз, ўқимишлиликни белгиловчи омиллар ўқишга, яъни китобхонликка келиб тақаляпти. Аммо Саъдий Шерозий айтганидек:

***Ҳарчанд ўқибсан — билимдонсан,***
***Агар амал қилмадинг, нодонсан.***

"Китобхонликка ўрганиш учун, — дейди Хёте, — қанчалик кўп вақт сарф қилинишини одамлар тасаввур қилмайдилар. Бунинг учун мен ҳаётимнинг 80 йилини бағишладим. Лекин ҳали ҳам ўргандим, деб айта олмайман". Улуғ мутафаккирнинг бу иқрори чинакам китобхонликнинг ниҳоятда машаққатли иш эканлигини кўрсатади. "Ўқиш бошқа, уқиш бошқа" деган ҳикмат шуни назарда тутиб айтилган бўлса ажабмас.

**Сафо МАТЧОНОВ,**
**профессор**

# КОСМОСДА БАХМАЛ ОЛМАЛАРИ

***Сано лилҳолиқи ғаброву афлок,***
***Яратган қатрадайин гавҳари пок.***

Ҳар сафар Румий ҳазратларининг ушбу байтини эслаганимда, жисму жоним курраи заминнинг энг гўзал гўшасига — Бахмалга, унинг Оққўрғон деган кичкина қишлоғига боғлиқ эканидан, киндик қоним шу тупроққа томганидан ва мен учун Ватан деган тушунча шу митти қишлоқдан бошланганидан чексиз ифтихор туяман.

Қишлоқдан мактублар

...1953 йилда бир неча оила Мирзачўлни ўзлаштириш сабаби билан чўлга кўчганимиздан буён бизга бешик бўлган Бахмални ҳамиша соғинаман. Ҳар гал Оққўрғонга келганимда, унинг қир-адирларини қоплаган майин ўтлоқларига, дарё ва булоқларига, дарахтлар-у сўқмоқларига тўймай боқаман. Чунки чўлда беш-олти марта уруғ сепиб ундиролмагандик, гиёҳ кўкартиролмагандик. Бу водий эса, табиатан ямяшил, ерга уруғ тушар-тушмас униб чиқадиган жой. Ўша замонларда чўлдаги лотоклардан шўр сув ичган бўлсак, бу ерда булоқлардан тоза, ширин сув ичардик.

Қишлоққа кираётиб Сангзор дарёси устидаги Бахмал кўпригидан ўтгач, ўнгга юрамиз. Бу йўлдан баҳорда ўтсангиз, атрофда қийғос очилган бойчечаклар, сариқ лолаларни кўрасиз. Саратонда кўк гулли чучмомалар, оқ гулхайрилар шамолда бошини силкитиб сизни кутиб олади. Қишда тизза бўйи қор. Соҳибқирон бобомизнинг пойқадами етган Темирқадам қишлоғидан ўтаётганимизда анвойи гулзорлар мевали боғларга уланади. Ана шу олмазор адоғида Оққўрғон қишлоғи кўринади. Бахмал туманидаги барча қишлоқлар табиатан тоғ бағрида жойлашгани боис қир-адирлари, дарё ва булоқлари, боғ-роғлари беҳад кўркамдир. Бахмални узукка қиёс қилсак, Оққўрғон унга олмос кўз янглиғ ярашиб тушган.

Қишлоқ мактабида таълим олган ёшлар бугун бир қатор хўжаликларни, туманларни бошқармоқда, юқори ташкилотларда ишлашмоқда. Бахмалнинг гўзал табиати раҳматли Турдимурод Умаровга ҳам бир уммон илҳом бағишлади: қишлоқ ва хўжаликлар тарихини ёзди, унинг қатор шеърлари туман, вилоят, республика матбуотида чоп этилди.

Бахмал ҳудудидаги кўплаб хўжаликлар Тошкентдаги чорвачилик, ғаллачилик ва боғдорчилик соҳасидаги илмий-текшириш институтлари ихтиёрида. Улар бу ҳамкорлик натижасида юқори ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олганлар. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил ва сифатли маҳсулотлар етиштириш бўйича шуғулланадиган олимлар ҳам, тадбиркор-у миришкорлар ҳам ўзларидан етишиб чиққан. Бу соҳада ўтган йилнинг октябр ойида Президентимизнинг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармони айни муддао бўлди. Шу фармон талабларини бажариш учун миришкорлар лалми ғалла, нўхат, зиғир, картошка, пиёз, сабзи ва бошқа савзавотлар ҳамда боғдорчилик маҳсулотлари етказишнинг оптимал усулларини яратмоқдалар. Режадан ортиқ етиштирилган маҳсулотлар Жиззах, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари бозорларига етказиб берилмоқда. 2008 йилнинг декабр ва шу йилнинг январ ойларида пойтахтнинг Ҳамза, Сергели туманларида Бахмалда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Йилдан-йилга Бахмалда етиштирилган шифобахш олмаларга талаб кучайиб бормоқда. Унинг экологик тоза маҳсулот сифатида космонавтларга жўнатилганидан, Бахмал олмасининг космосга чиққанлигидан ҳамюртларимизнинг хабари бор, албатта.

2009 йил — "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да Бахмал тумани қишлоқлари янада обод бўлиб бормоқда. Кўп йиллардан буён айрим чекка қишлоқлардаги йўлларни таъмирлаш, маҳаллаларни газлаштириш, замонавий технологиялар асосида ишлайдиган янги корхоналар қуриш муаммо бўлиб келаётганди. Қишлоқ аҳли бу масалаларнинг ҳал этилиши давлат Дастурига киритилганидан бениҳоя хурсанд. Иншоолло, тез кунларда йўллар таъмирланиб, хонадонларга "зангори олов" кириб келади. Бу неъмат Бахмалнинг чекка қишлоқларига ҳам оқиб келинса, қишлоқларнинг турмуш фаровонлиги янада зиёда бўлади.

**Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ**

## 23-апрел — Халқаро китоб ва муаллифлик куни

# МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 январдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш вакиллиги (агентлиги) ташкил этилиб, унинг Низоми тасдиқланган. Мустақиллик шарофати билан юртимиз ижодкор муаллифларининг асарлари, басталаган мусиқалари, тасвирий санъат намуналари давлат ҳимоясига олинди.

Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиб бориши ва жамиятимиз ҳаётига кириб келиши муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. 2006 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуни кучга кирди. Қонуннинг 19-моддаси муаллифнинг мулкий ҳуқуқларига бағишланган. Унда жумладан шундай дейилади: "Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларига эга. Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин".

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, ИИВ, Давлат божхона қўмитаси ва ваколатли ташкилотлар билан биргаликда Агентлик контрафакт маҳсулотларни аниқлаш ва йўқ қилишда самарали ишларни амалга оширмоқда. Шундай амалий ҳамкорлик натижасида ўтган йили уч мингдан зиёд тадбирлар ўтказилди. Жами 2 млрд. сўмлик қарийб 700 мингта ноқонуний тайёрланган дисклар йўқ қилинди.

Мамлакатимиз интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор халқаро ташкилотларга ҳам аъзо. Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк ташкилоти (БИМТ), Берн конвенцияси шулар жумласидандир. Муаллифлик ҳуқуқига оид барча масалаларни ҳал этишда республикамиз ўзаро ҳамкорлик тамойиллари асосида шу ташкилотлар ишида қатнашиб келмоқда. Бу масалада бошқа давлатлар билан ҳам алоқалар ўрнатилган.

Юртимизнинг интеллектуал салоҳияти ниҳоятда юксак. Шундай экан, уни кўз қорачиғидек асраш нафақат республика Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигининг, балки барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги матбуот котиби**

## "ГУЛИСТОН", 2009/2

Журналларни варақлаганда

Журналнинг навбатдаги сони Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллуд куни, Наврўз умумхалқ байрами, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган мақолалар билан бошланади. Рауф Раҳимнинг "Қишлоқдан таралган зиё" мақоласида боғ-роғлари билан машҳур Бахмал ҳақида ҳикоя қилинади.

Журналда Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг "Ҳамид Сулаймонни эслаб" сарлавҳали хотираси, Консерватория ўқитувчиси Мавлуда Ўринбоеванинг "Мусиқанинг сеҳрли олами", Абдурауф Раҳимқуловнинг "Шарм-ҳаё энг яхши фазилат" мақолалари, Лазиза Ворисованинг Шайх Ҳованди Таҳур ҳаётига бағишланган "Сарв соясидаги суҳбат" бадиаси, Шермурод Субҳоннинг Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева билан суҳбати, Ваҳоб Раҳмоновнинг япониялик бобуршунос олим Эйжи Мано ижодига бағишланган тадқиқот лавҳаси, Муҳиддин Раҳимнинг таниқли ёзувчи Эркин Аъзам ижодий портретига чизгилари, Бурхон Шариф

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

# Сўз — забаржад, сўз — олтин



## НЎНОҚ ШОИРЛАР

Биз бир замон муҳаррир бўлдик,
Қисмат экан, бўлдик ноширлар.
Ўлсак ёмон шеърлардан ўлдик,
Адо қилди нўноқ шоирлар.

Қўлёзмалар ўқирдик дил ғаш,
Кўргиликдан оҳлар урардик.
Сўзи чалкаш,
Ўзи жанжалкаш
Шеърбозлардан қочиб юрардик.

Йиллар ўтди.
Танидик одам,
Дунё надир, қилдик тафаккур.
Энди ўша ташбиҳи мубҳам
Нозимларга деймиз ташаккур.

Кўп зотларни кўрдик,
Алҳазар,
Ёқа тутдик, астағфируллоҳ!
Энди бизга энг ғўр байтёзар
Валий бўлиб кўринар, биллоҳ!

Шеър йўлласа —
Ҳатто саёз, хом —
Ёш шоир ё ҳаваскор бахши,
Мақтаб-мақтаб тилаймиз илҳом,
Шеър ёз, деймиз, ёзганинг яхши.

Сени шоир билишмаса ҳам,
Шеърингни чоп қилишмаса ҳам,
Қофияси келишмаса ҳам,
Шеър ёзабер, ёзганинг яхши.

Оқ қоғозга қоматинг эгиб,
Оқ кўнгилга умидлар экиб,
Муҳаррирлар жонига тегиб,
Шеър ёзабер, ёзганинг яхши.

Бахтни уйқоқ тунлардан сўра,
Бўлма кину ҳасадга жўра,
Юмалоқ хат ёзгандан кўра,
Шеър ёзабер, ёзганинг яхши.

Дунё нўноқ шеърга тўлса ҳам,
Мунаққидлар хуноб бўлса ҳам,
Диди нозик ўқиб ўлса ҳам,
Шеър ёзабер, ёзганинг яхши.

Зинҳор-зинҳор бу ишдан тўйма,
Ишқибозлик умрнинг нақши.
Бизга ўхшаб ёзмасдан қўйма,
Шеър ёзабер, ёзганинг яхши.

## БУЮК САДОҚАТ

Шоирларнинг бари бевафо,
Қўшхотинли бари-бариси.
Битта уйда эр-хотин аро
Кундош яшар — илҳом париси.

Бир истисно — Навоий ҳазрат,
Садоқати даҳоларга хос.
Устоз икки паридан фақат
Биттасига уйланган, холос.

## СЎЗ — ЗАБАРЖАД

Сўз — забаржад,
Сўз — гавҳар, олтин,
Заргарликнинг машаққати кўп.
Сўзни байтга қадашдан олдин
Кафтингга қўй, тўйиб қара, ўп!

## РОСТ ГАП

Туққанингга рост гап ёқмаса,
Хотинни-ку гапирмаёқ кўй.
Росттўй эрнинг ҳар куни аза,
Ёлғончининг бутун умри — тўй.

Сен ёрингга тўқиб ташла байт,
Париваш де, ата сарвиноз.
Рост гапингни мажлисларда айт,
Тўғри сўзни газетага ёз.

Пистақўмир қовурса ёринг,
Сен ўшани оҳ-оҳ деб егин.
Ташаккур айт, совурса боринг,
Заҳар сочса "асалим" дегин.

Тўлиб кетсанг тоғларга боқир,
Садо берсин нолаларингга.

Хотинингни "жоним" деб чақир,
У онадир болаларингга.

У жонфидо, умрингга ҳамдам,
Фақаттина бир айби бордир.
Айби шуки, ёлғон бўлса ҳам
Битта ширин сўзингга зордир.

Аслида-ку гуноҳ ёлғон гап.
Лекин гуноҳ тўла дунёда
Ёлғон гапир аёлни мақтаб,
Рост гап йўқдир бундан зиёда.

## ВАФО

Қабристонда кеча ёққан қор
Милдир-милдир эриб ётибди.
Гўр устида бир ит инграб зор,
Лойга бағрин бериб ётибди.

Кеча тобут кўтарилган дам
У беором югурган-елган.
Қувсалар ҳам, тош отсалар ҳам
Эл ортидан мозорга келган.

Отасидан айрилса агар
Бунча қуймас одам боласи.
Ёлғон эди кеча йиғилар,
Рост эди шу итнинг ноласи.

Совуқ тунда қотиб, дийдираб,
Қабрга у қўйиб ётди бош.
Эриган қор каби милдираб
Кўзларидан тинмай оқди ёш...

Биз инсонмиз, соҳиби дунё,
Қудратлимиз, мағрурмиз, тўқмиз.
Садоқатда, меҳрда аммо
Шу бечора бир итча йўқмиз.

## ЎҒРИГА НАСИҲАТ

Ўғри бўлсанг, жон ука,
Бозорга бор, дўмга бор.
Ўзбек маҳалласига
Кирма зинҳор базинҳор.

Салом берар учраган,
Сўзсиз, алик оласан.
Алик олиб, сен шўрлик
Балоларга қоласан.

"Йўл бўлсин", деб аввало
Тўсиб олар йўлингни.
Етти пуштинг сўроқлаб
Эзғилайди қўлингни.

Зўрлаб уйга етаклар,
Меҳмон қилар ош билан.
Бундан ургани яхши
Бошгинангга тош билан.

Кузатиб, чўнтагингга
Қанд-қурс солиб қўяди.
"Насиба" деб қуйдириб
Сени тиғсиз сўяди.

Чуқур эҳтиром билан
Кавушингни тўғрилар.

Маҳаллага бормайди
Эси бутун ўғрилар.

Иккала қулоқ билан
Эшитиб ол сўзимни.
Сенга насиҳат қилдим
Яқин олиб ўзимни.

Ростин айтсам, бизда ҳам
Касб шу, кўнглинг бўлсин тўқ.
Навоий сандиғига
Қўл солмаган шоир йўқ...

Ўғрилик — гулдай ҳунар,
Омад сенга бўлсин ёр,
Ўзбек маҳалласига
Борма зинҳор базинҳор.

## СОЧИЛГАН БАЙТЛАР

Майли тойсам, майли ёрсам бош,
Ҳовлим бўлсин фақат мармар тош.

* * *

Ҳар берк йўлнинг битта очиқ йўли бор,
Унда нафснинг узатилган қўли бор.

* * *

Урмас уни нега жин?
Жиндан зўрроқ мегажин.

* * *

Лаб чўзишдан олдин ўпгани,
Босиб олиш керак ўпкани.

* * *

Эринчоқ кам яшар, нимага десак,
Яшамоқ учун ҳам ҳафсала керак.

* * *

Бугун сўфи кечаги кўр, кар атеист,
Кўр, кечаги сўфи бугун — каратеист.

## ТЎКИСЛИК

Бутликка не етсин,
Камликдан кўра
Инсон тўкис бўлиб юргани яхши.
Лекин яратгандан бир бахтни сўра,
Нимангдир етмасдан тургани яхши.

Шукрона дилингга ошно бўлсину
Армоним йўқ, десанг хато бўлади.
Дунёнинг энг кўҳна фалсафаси бу:
Орзу ўлса ҳаёт адо бўлади.

Адиба УМИРОВА

# Мен ҳаётни яхши кўраман

## БАҲОРДАН МАКТУБ

Энг сўнгги мактубни келтирар почта:
Олча дарахтлари кирибди гулга.
Турналар тизилиб қайтибди эрта,
Ям-яшил майсалар чиқибди йўлга.

Юлғунзор даралар солланиб бутқул,
Жаннат боғларидек очибди чирой.
Узумлар ғунчаси мисли шода гул,
Тераклар учига илинибди ой.

Офтоб ҳам жимирлаб кун боттунича
Отамдек тер босиб дала кезармиш.
Юлдузлар тўкилиб тонг оттунича,
Чирилдоқ овози тунни бузармиш.

Қизларнинг қий-чуви эмиш сой бўйи,
Мени кўп кутибди ҳув ўша тошлоқ.
Ҳамма ҳар юмушга шўнғиган кўйи,
Бу йил қишдан омон чиқибди қишлоқ.

## КАККУ

Ваҳимали чўкаётир тун,
Кунлар кириб келар долғали.
Ҳой, каккужон, сайрамай тургин,
Бошламадим яшашни ҳали.

Ҳавасларим тўкилар йўлга,
Милтирайди умидлар шами.
Кирганим йўқ бирор кўнгилга,
Севаман деб айтмадим ҳали.

Юрагим ҳам урар беомон,
Эшигимдан кетмайсан нега?
Мен ҳаётни яхши кўраман,
Бор бошқанинг деразасига.

Ҳаётимни таъқиб қилар у,
Самоларга юзим бураман.
Сайрагани сайин бу какку,
Мен барибир яшайвераман.

* * *

Билмадим, бу не сир, қандайин тақдир,
Киприкларим қоқсам куйдиради чўғ.
Фақат азобига умримни бериб,
Бир он кўзларида яшолганим йўқ.

У хазин хотирим, ёдим дейману,
Овозин бир лаҳза унутолмайман.
У ширин туш дейман, хаёл дейману,
Ўзидан ўзимга кела олмайман.

Яна вужудимда қоришман исён,
Не учун ҳаётим яратдинг изсиз?
Уни тушларимда эттандинг аён,
Ерда қўшилмасми сояларимиз?

Малаклар тахтини этиб ихтиёр,
Қалбимга илинж бер, ишқ бер беғумон.
Усиз бўлолмайман асло бахтиёр,
Бахтли бўлолмайди менсиз ҳеч қачон.

* * *

Кўксимга ботади киприкларингиз,
Дардингиз дунёлар қизғанар ҳатто.
Ўзимдан ўзига суйдирар ёлғиз,
Сизни бунча яхши кўради Худо?

Гулга ўралганми азобингиз ҳам,
Нурдан яралганми нигоҳларингиз.
Менинг ишқим хато дея йиғласам,
Фаришталар кечар гуноҳларингиз.

Сиз кимнинг ҳаётин куйдиргувчи ғам,
Мен кимнинг умрига тикилган аҳдман?
Кўксингизга қанча ташласам қадам,
Ҳақнинг карамидан шунча бебахтман.

Мени деб ҳурлар ҳам ботар кўз ёшга,
Таъқибга қолади минг битта малак.
Жуда кўрқаяпман сизни севишга,
Дунёнинг жаннати шу бўлса керак.

* * *

Тўкилиш эмасдир яшаш тоабад,
Баригa чидагин яна бир нафас.
Юр кетдик Куёшга, ҳаётда фақат
Хазонрезги фасл ҳукмрон эмас.

Баригa қўл силтаб сенга бораман,
Абадий ғамингдан бошқаси надир?
Бу гўзал лаҳзалар бизга юборган,
Балки Яратганнинг марҳаматидир.

Кўзларимни юмай, тушларимга кир,
Эриб борар, ахир, умрнинг шами.
Бу ёруғ оламда биз бўлмасак ҳам
Тугамас дунёнинг машмашалари.

Бахтли бўлолмаймиз бўлсак беқарор,
Ахир, ишқ бор жойда кўз ёш муқаррар.
Осмонда Худо бор — нима ғамнинг бор,
Заминда сен борсан — нима ғамим бор...

# ҚУРЪОН ТАРЖИМАЛАРИ: ТАЖРИБАЛАР

**Ё Яҳйо, хузил китоба бикувватин...**

**(Ё Яҳйо, китобни маҳкам тут...)**

*"Марям", 12-оят*

Худо ҳар бир инсонга унинг бўйин томиридан ҳам яқин дейилган. Худди шунингдек, Аллоҳнинг каломи ҳам ҳар бир инсонга шундай яқин. Худонинг ўзи меҳр билан яратган ва тарбиялаган Инсонга етказган Сўзлари — панду насиҳатлари, яшамоқ йўл-йўриқлари, тартиб-интизомлари, ман этганлари ҳамда буюрганлари, ирода этмиш барча ҳукмларини инсон қанчалар теран тушуниб, англаб етса, улар ҳақида бутун ақлининг кучини ишлатиб ўйласа, фикр юритса, ўз ҳаётини ҳидоят асосига қурса, Аллоҳ билан Инсон ўртасида яқинлик ҳамда Калом билан Инсон ўртасида яқинлик шунчалар ортиб боради. Аллоҳ ўзи айтмоқчи, фақат Яхшиликка буюради, ёмонлик ва турли разолатлар, қонҳўрлик ва турлича нафс туғёнларидан, уларнинг фожиали оқибатларидан қайтаради.

Қанчадан-қанча одамзод қавмлари қабоҳат чоҳига ботиб кетди. Ер юзи сайёра миқёсида не-не тўфонлар, зилзилалар, мангу совуқ, мангу иссиқлар гирдобида қайта-қайта бино бўлди. Кейинги замонлардаги Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши қирғинлари, тирик жонзотлар узра ядро қуролларининг портлатилиши, уларнинг ерни маҳв этиш мақсадида тинимсиз синаб кўрилиши, дин ниқоби остида ёвуз тажовузларнинг авж олиши — булар бари Охирзамон нишоналаридир. Ер куррасини Шимолий ва Жанубий Қутбларнинг таранг музликлари мустаҳкам тутиб туради. Эндиликда айрим буюк давлатлар шу икки Қутб тагидаги бойликларнинг заҳираларини талаш ва бирдан-бир маконимиз бўлмиш сайёрамизни тухум пўчоғидек қилиб қўйиш режаларини тузиб, бир-бирлари билан кон, жой талашмоқда. Сайёрамизни бундай талон-тарож қилишга уринишлар — оғир замонларнинг нишоналаридир. Ўз-ўзидан Қиёмат ҳеч қачон бўлмагай. У фақат разолат сўнг нуқтага кўтарилгандагина ва Инсон шу гўзал сайёрада умргузарлик қилишга нолойиқ, нобоп бўлиб қолган охирги палладагина рўй беради. Қуръоннинг ҳар бир оятн шундан дарак беради ва огоҳлантиради. Умид шундаки, бундай разолатлардан сақланиш ва ўзни тийиш одамлар ва уларнинг ҳозирги замон жамиятларининг ўз қўлида, иродасида. Аллоҳ бунинг ибратлари ва сабоқларини Меҳрибонлик китоби бўлмиш Қуръонда таъсирли қиссалар, ибратли масалалар, Инсон ақлини қувватлантирувчи ҳикматлар ва мавъизаларда Раҳм қудрати билан айтиб ўтади.

Истиқлол туфайли Ўзбекистонда Қуръон ва муқаддас ҳадисларни нашр этиш, тушунишнинг янги замони бошланди. Қуръонни билиш ва юракларга жо этишнинг янги даври келди.

Қуръонга риоя этиш, унинг ҳидоятига эргашиш, тўла бахраманд бўлиш вақти етди.

Қуръонга риоя этмоқликнинг эшиклари очилди. Чунки энди уни ҳар ким билмоғи мумкин. Ўзбекистон хонадонларига Қуръоннинг ўзбек адабий тилига бир эмас, бир неча таржималари ишонч ва иймон билан кириб борди. Ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларида биз, араб тилидан бехабар ёшлар Қуръоннинг рус тилига муҳтарам Саблуков ва Крачковский таржималарини кутубхоналардан базўр топиб ўқишга муяссар бўлганмиз. Ўшанда илк бор юрагимизга Қуръон муҳаббати тушган. Бу бутун дунёдаги инсонларга юборилган ҳидоят деб англаганмиз.

Қандай саодатли зиёманд замонлар етишиб келдики, араб тили, ислом илми, маданияти, тарихи, диний ва дунёвий аҳкомлари, уларнинг замона кишилари ҳаёт тарзидаги ўрнини яхши билган араб тили билимдонлари — алломалар томонидан Қуръоннинг шарҳлар билан таъминланган "**маънолар таржималари**" амалга оширилди. Ўзбекистонда яшовчи кишилар илк бора Қуръон маънолари, илоҳий оҳанглари, тимсоллари, мўъжиза ўгитлари океанига ўз она тили қудрати, поэтик салоҳияти тўлқинида етишиб бордилар. Тубсиз маъноларни илгари фақат ғаввос мутасаввифлар, қилни қирқ ёрган уламолар, дарвешлар, фақиҳлар, қорию қурроларгина англаб билган бўлсалар, энди Аллоҳнинг сара кишиларгагина эмас, жамики ўзи яратган, тарбиялаган инсонларга қарата айтган хос сўзларини халқнинг кенг вакиллари, қатламлари билиш, тушунишларига азим, эркин йўллар очилди. Исломнинг нималигини муллаларнинг оғзаки баёнлари, шарҳлари, тушунтиришлари ва ўзига яраша тушунчалари орқали эшитган, билган кишилар энди ўзлари, ўз саводлари даражасида, иштиёқлари қадр қилганча Қуръон ва Ҳадис ичига кириб боряптилар.

Албатта, таржима ҳар қанча мукаммал бўлмасин, ҳеч қачон у аслиятнинг ўрнини босолмайди. Таржима аслиятга тенглашолмайди. Ибодатда эса аслият ўрнига ўтмайди. Асл оҳанг, асл сўз ва асл сир-синоат доим аслиятнинг ўзида. Исломда ибодатларни аслият бирла адо этиш бу мислсиз неъмат!

Шулар билан бирга Қуръон ёлғиз араб тилли халқларнинг эмас, Ер юзидаги барча художўй, покдил, яхшилик туйғуси билан яшайдиганлар ва умрларни шулар билан ўлчайдиганларнинг мулки, маънавий-руҳий халоскор сўзи, умр довонларида энг мустаҳкам таянчи.

Шунинг учун Қуръоннинг дунёдаги барча тилларга таржима қилиниши буюк маданий-маърифий ҳодисадир. Таржима эса маърифат қўнғироғи.

Кейинги ўн йиллар ичида Қуръоннинг Шайх Аловуддин Мансур (1992), Шайх Абдулазиз Мансуров (2001), Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (1991), Шайх Шамсиддин Бобохонов (1991), Саййид Маҳмуд Тарозий (1994) изоҳли, шарҳли, тафсирли таржималари ўзбек тилида дунё юзини кўрди. Бу таржималарнинг умумий хусусияти содда, тушунарли замонавий ўзбек адабий тилида янграганлигидир.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти 2000 йилда XII — XIII асрларнинг ёдгорлиги деб ҳисоблаб келинаётган "Туркий тафсир"нинг факсимил нашрини амалга оширди. Тилимизнинг ўша замонлардаги ифода қудратини Қуръондай ўлмас обида таржимаси воситасида намоён қилган ушбу бебаҳо асарнинг муаллифи исми ҳалиҳамон илм дунёсига қоронғулигича қолмоқда. Аммо унинг тили, текширувчилар бир оғиздан таъкидлашгандай, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва айниқса, Қутб Хоразмий, Сайфи Сароий, Ҳайдар Хоразмий ва Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг улуғ асарлари тилига ғоятда яқин, яна ҳам тўғрироғи, шу кўҳна ўзбек адибларининг асарларида мужассамлашган умумий ўзбек адабий тилида яратилгандир. Айниқса, у "Қисас" ҳамда "Хисрав ва Ширин" тилига, услубига шу қадар ҳамоҳангки, уни Қутб ёки Рабғузий ёзмаганмикин, деган хаёлга ҳам борасиз. Лекин аниқ далил бўлмагач, буни қатъи айтолмайсиз. Турди "тўқсон ики бори ўзбек элидур...", деган жумлани ёзиб қолдирган. Ўзи тўқсон иккита бўлса ҳам, лекин ягона умумий ўзбек тили — (лаҳжаларидан қатъи назар) уларнинг барчаларига тушунарли ўзбек тили эди. Қуръоннинг илк таржимаси мана шу ягона умумий ўзбек тилида яратилган.

У улкан маданий обида. Тафсир муаллифи Қуръон оятлари остига жуда содда ва ўта тушунарли ўзбекча таржимасини беради. Ўқиган киши оятларнинг асли ҳамда ўзбек тилига таржимасида уларнинг тўғри маъноларини ўзлаштириб боради. Ўзбек тилимизга кўп хизматлар қилган улкан олим А.К.Боровков "Тафсир"нинг ифодавийлиги, тил хусусиятларининг қимматига лол қолиб, дарҳол "Лексика Среднеазиатского тефсира XII — XIIIвв." деган жуда қимматли лексик китобини (1963) яратган эди.

Тарихан қисқа давр ичида Қуръоннинг мана шундай ранг-баранг таржималарининг замон ўқувчисига тақдим этилишини жуда катта тарихий маданий ҳодиса деб аташ мумкин. Бу, биринчидан, Қуръонга ҳақиқий қизиқишнинг ортгани, иккинчи ёқдан, аслиятга иложи борича яқинлашиб боришга интилишлар кучайганини кўрсатади. Учинчидан, талқин ва шарҳларда диний-мистик қобиқлардан аста-секин чиқиб, кенг дунёқараш билан илмий шарҳлашга ўтиш ҳар қалай сезилмоқда. Шу билан бирга, бу таржималарнинг ҳар бири ўзига яраша қимматга эга. Яна бир қимматли жиҳати шундаки, улар илмий асоси мустаҳкам, ҳар томонлама дунё тажрибалари асосида текширилган академик нашрга йўл очади. Бу таржималарсиз академик нашрни тасаввур қилиб бўлмайди. Европа, Америка, айрим Шарқ мамлакатларида Қуръоннинг илмий академик таржималари амалга оширилган. Германияда қилинган таржималари ичида шарқшунос Р.Паретнинг 1963 — 1966 йилларда чиқарган немис тилига таржимаси энг аниқ илмий таржималардан саналади. Инглизча академик нашри 1969 йилда Англияда "Қуръон интерпретациялари" (талқинлари) деб номланиб нашр этилган. Қуръоннинг бошқа тилларга қилинган энг янги таржимаси муаллифларидан ажойиб таржимон Валерия Порохова Дамашқ — Москвада 1995 йилда нашр этилган нодир таржимасида ушбу инглиз тилидаги таржимага иқтибосан ўз таржимасини "Коран. Перевод смыслов" деб номлаганлигини ёзади (Коран. Перевод смыслов. Дамаск — Москва, 1995 г.). Валерия Порохова араб тилини жуда чуқур билади. У кўп вақтлар араб уламолари доиралари ичида яшаган ва Қуръонни ўрганишга жуда кўп йилларни сарфлаган. У китобга ёзган сўзбошида "маънони имкони борича аниқ ифодалаш" — таржимоннинг асосий мақсади эканлигини айтади. У Қуръонни илмий талқин қилишнинг аҳамияти ҳақида бир қатор мулоҳазаларини ўртага қўяди. Валерия Порохова Қуръонни шеърий таржима этишга жазм этади. Эмоционал кўтаринкиликни беришда катта натижаларга эришади. Шу билан бирга, таржиманинг адекватлиги устида жиддий қайғуради. Қуръонни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди, деган фикр жуда қадимлардан бери мавжуд. Шунинг учун таржимада кўпроқ тафсир, яъни баён ва шарҳ йўлидан бориш, яъни тафсир қилиш одат тусига кириб, анъанага айланган. Сўзма-сўз таржималар Қуръон оятлари остида, яъни аслият билан бирга бериб бориладиган таржималардагина кўл келиши ва Қуръонни ўрганишда самарали амалий фойда келтириши мумкин. Лекин аслиятдан холи тарзда сўзма-сўз таржимани чиқариб бўлмайди.

**Маънолар таржимаси** деган тушунчани ҳам турлича англаш ва тушуниш эҳтимолдан узоқ эмас. **Маънолар таржимаси** дейилганда, талқинлар — интерпретацияларга — уларнинг нозикликларига йўл очилади. **Сўзма-сўз таржимада** сўзлар ва жумлаларнинг аниқ таржималари ифодаланади. Лекин бунда бадиийлик ва услуб юзага чиқмайди. "Тафсир"нинг таржимаси шундай сўзма-сўз таржиманинг яққол намунаси. Ҳазрат Саййид Маҳмуд Тарозий таржимаси ҳам шундай сўзма-сўз таржимага яқин. Уни ҳам фақат аслият билан бирга ўқиган маъқул. У Қуръон оятларига сўзма-сўз, жумлабажумла эргашиб, уларга ҳамроҳлик қилиб боради. (Ҳазрат Саййид Тарозий (Олтинхон Тўра 1991 йилда 98 ёшда вафот этган)нинг шарҳли таржимаси 1990 йилда Истанбулда аслият билан бирга нашр қилинган. У "Туркистоний тилига таржима" дейилган ва хорижий мамлакатларда яшовчи туркистонликлар ҳамда уларнинг тил хусусиятлари, тушунчаларига мос ҳолда чиқарилган. Саййид Тарозий таржима ва шарҳни 1956 йилда тамомлаган. 1975 йилда Покистонда босмадан чиқарган. Таниқли арабшунос Исматулла Абдуллаев 1994 йилда ана шу нашрдан ўзбек кириллицасига табдил этиб, ўз ҳисобидан 100 нусха нашр этди. У ўз сўзбошисида Қуръоннинг ўзбек тилига таржималари тарихи, Олтинхон Тўра таржимаси, ҳаёти, ижоди ҳақида қимматли маълумотлар келтирган. Исматулла Абдуллаевнинг нашрида (1994 й.) фақат Олтинхон Тўра таржимасининг ўзи (аслиятсиз) келтирилган. "Тафсири Ҳилол" таржимаси ҳам оятлар билан эш келиб, уларни сўзма-сўз изоҳлаб боради. Алоуддин Мансур таржимасида эса шарҳларга кенг ўрин ажратилади. Шарҳлар ҳам алоҳида, ҳам яна оятлар таржималари ичида, ҳам қавс ичида кенг қўлланилади. Муаллиф Қуръон маънолари илк ўқиётган ўқувчига тушунарсиз бўлиб қолишидан қаттиқ ҳадиксирайди ва кетма-кет изоҳлар билан оятлар ичини тўлдириб ташлайди. Бу шарҳли таржима учун унчалар ғайритабиий эмас. Лекин жуда кўп ўринларда калом шарҳлар ва изоҳлар ичида кўринмай кетади. Бу асл маънони қабул қилишни жуда қийинлаштиради. Бу томондан Абдулазиз Мансур таржимаси анча олдинга силжиган. Оятлар оралаб изоҳлар анча меъёрида қўлланган. Лекин бу ерда ҳам оятлар аро изоҳлар каломни ҳар томондан бўлиб, ажратиб туради. Калом яхлит эмас. Қабули ҳам яхлит эмас. Каломга қарай десангиз, изоҳ қолиб кетади, изоҳларга эътибор қилай дейилса, калом узуқ-юлуқ қолиб кетади. Бунинг ҳам бирдан бир сабаби каломнинг нотўғри ўқилишидан ҳадиксираш. Ҳолбуки, аниқ, адекват таржима қилинса, нотўғри ўқиш, тушунишга ўрин қолмайди. Бу икки эътиборли таржима юзасидан чиқариш мумкин бўлган дастлабки хулосалар қуйидагича:

1. Оятларни аниқ таржима қилиш ва уларда фақат Худонинг ўзи туширган каломнигина акс эттириш. Орага ҳеч қандай изоҳ, шарҳ, баён қўшмаслик.

2. Албатта, шарҳ, баён, изоҳлар жуда зарур. Улар ҳар қанча бўлганда ҳам ортиқчалик қилмайди. Лекин уларни ўз ўрнида алоҳида қилиб берган маъқул. 2001 йилги нашрда шундай алоҳида саҳифа тагида келтирилган қисқа шарҳлар бор. Лекин улар етарли эмас. Жуда кўп истилоҳлар, реалийлар шарҳсиз, тушунтиришсиз қолиб кетган. Бунда Германия, Англия, Франция, Америка, Миср илмий академик нашрларидан улги олиш фойдали бўларди. И.Ю.Крачковский ҳамда Валерия Порохова оятлар каломини соф ҳолда таржима қилиб, барча изоҳларни алоҳида ўринга қўядилар. Назаримизда бу, айниқса, илоҳий матнлар таржимасида ғоятда зарур илмий усулдир.

**Давоми тўртинчи бетда.**

# СУМА — ИВИТИЛГАН БУҒДОЙ

## Наврўз байрамимизга бағишланган янги тадқиқот

***Наврўз айёми кунларида "Фан" нашрёти китобхонларга ажойиб туҳфа ҳадя қилди. Бу таниқли фолклоршунос олим Маматқул Жўраевнинг "Наврўз байрами" китобидир.***

Ҳар қандай маросим, расм-русум, урф-одат ва улар билан боғлиқ ижод намуналарида халқ турмуши ва тафаккурининг мураккаб тадрижий тараққиёт излари муҳрлангандир. Жумладан, Наврўз ҳам профессор Маматқул Жўраев ёзганидек, "фақатгина йилбоши байрами эмас, айни пайтда, зукко аждодларимизнинг бекиёс тафаккур дурдоналрини ўз ичига қамраб олган маънавий қадрият ҳамдир". Муаллиф Наврўз маънавий қадриятларнинг яхлит тизимида муҳим бир ҳалқа эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда, китобида Наврўзнинг келиб чиқиши, у билан боғлиқ тақвимий муддатлар, удумлар, Наврўз таомлари, Наврўз ўйинлари, қадим аждодларимизнинг вақтни аниқлаш усулларини кенг тадқиқ қилган.

Китобнинг "Наврўз байрами" бобида олим мавжуд этнофолклористик материаллар билан бирга мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг ушбу мавзуга доир фундаментал тадқиқотларидан, ёзма адабий асарлар, тарих ва тилшуносликка оид қадимий манбалар, интернет маълумотларидан кенг фойдаланган. Плутархдан тортиб Наршахий, Берунийгача бўлган тарихнависларнинг мўътабар битиклари, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк", Умар Хайёмнинг "Наврўзнома", Рабғузийнинг "Қиссасул анбиё", Абулғозий Баҳодирхонинг "Шажараи турк", Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" сингари асарларидан мисоллар келтирган. Ўнлаб, юзлаб манбаларни ўрганиш, қиёслаш ва улар орасидаги алоқадорликни топиш тадқиқотчидан қаттиқ меҳнат, чуқур илмий тафаккурни талаб қилишини кўпчилик яхши билади. Заҳматли экспедицияларнинг самараси сифатида ўнлаб-юзлаб дафтарлардан ташкил топган "Муаллиф дала ёзувлари"нинг ҳам илмий истеъмолга тортилгани эса Маматқул Жўраев тадқиқотининг қимматини оширган. Аслида, фолклоршунослик илмининг қиммати, аввало, жонли мулоқотлар, ижодий жараёнлар, машақкатли илмий экспедициялар билан белгиланади.




Олим тақдим этаётган ҳар бир ҳулосани бир неча манбалар, бир неча фактлар асосида изоҳлайди. Дейлик, Наврўзнинг нишонланиши тўрт ярим минг йилдан зиёдроқ муддатни қамраб олишига оид жуда муҳим хулоса икки нуфузли манбалар: Наршахийнинг "Бухоро тарихи" ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарлари асосида дилилланган. Китобда келтирилган маълумотлар ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Чунончи, Наврўзнинг "Авесто"даги Аша-Ваҳишта — олов ҳамда эзгулик ҳомийси билан, Саймалитош қоя расмларининг севимли байрамимиз билан алоқадорлиги; қадим аждодларимиз ўзига хос — жуда аниқликка асосланган "деҳқон тақвим"ларини яратгани; "Шажараи турк"да Наврўзда эрийдиган афсонавий тошнинг тарихий асосларига оид маълумотнинг мавжудлиги; Ашшадарози ва Аша болам ўйинларининг ҳам "Авесто"даги эзгулик илоҳаси Ашага бориб тақалиши; кўпкари ва кураш ўйинларининг янги йил ҳосилини чамалаш орқали ҳамда қиш билан ёз, зулмат билан ёруғлик, ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги кураш орқали Наврўзга боғланиши кабилар диққатни тортади.

Наврўз ва у билан боғлиқ ҳодисаларни бир қанча туркий ва туркий бўлмаган қавмлар этнографияси ва фолклори асосида тадқиқ қиларкан, муаллиф болқор, туркман, озарбайжон, турк, тожик, қозоқ, қирғиз, чуваш, қорачойболқор, лазгин, авар, курд, бошқирд, ёкут, хетт каби ўнлаб эл ва элатларнинг урф-одатлари, маросимлари, расм-русумлари ва оғзаки ижод намуналарига қиёслайди. Бундай қиёслар, умуман, дунё халқлари, жуда бўлмаганда, муайян ҳудудда яшаган халқлар тарихий тараққиёти, тафаккури тадрижи ўхшаш ва бир-бирига яқин бўлишидан иборат ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлашга хизмат қилган. Шунингдек, "Наврўз байрами"да уйғониш айёми билан боғлиқ удум, маросим, урф-одат, ўйин, тақвимий муддатларнинг жуда кўп номлари келтирилганки, китобни Наврўз ҳақидаги ўзига хос мўъжаз қомус, дейиш мумкин. Айни пайтда, муаллиф фолклор ва этнографияга оид терминларнинг деярли барчасига озми-кўпми изоҳ берган.

Фолклор ва этнографияда сўзнинг асл шаклини тиклаш, луғавий маъносини аниқлаш ҳам муҳим ишдир. Аммо фолклоршуносликка оид айрим катта-кичик тадқиқотларда сўзнинг ташқи шаклидан келиб чиқиш ёки уни зўрма зўракилик билан бирор ҳодисага боғлаш тажрибаси ҳам учраб туради. Масалан, "сумалак" сўзини, халқ ривоятидан келиб чиққан ҳолда, "сиймалак", деб талқин қилиш каби. Профессор Маматқул Жўраев асосли манбаларга таянган ҳолда Наврўз билан боғлиқ бир неча сўзларнинг этимологиясини, масалан, "Девону луғотит турк"ка таяниб "сумалак"нинг "сума" — ивитилган буғдой сўзидан келиб чиққанлигини айтади. Китобни ўқиган муҳтарам ўқувчи, шунингдек, аямажуз, аҳман-даҳман, бойчечак, хезимхирмон, шуттук, ашшадарози, кўпкари сингари сўзларнинг ҳам этимологиясига оид қизиқарли талқинлар билан танишади.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Маматқул Жўраев китобида бир неча жиддий илмий тадқиқотларнинг куртаклари бор. Мазкур тадқиқот унда келтирилган афсона, ривоят, айтим, халқ оғзаки ижодига оид шеърий парчалар, "Наврўз қачон байрам қилинган?", "Наврўзнинг келиб чиқиши нималар билан боғланади?", "Қадим аждодларимиз Наврўз палласи келганлигини нималардан билишган?", "Нима учун Наврўзда турли ўйинлар ўйнашган, ҳалинчак учишган?", "Сумалак қандай пайдо бўлган?" сингари қизиқарли саволларга илмий ва афсоналар орқали жавоб берилганлиги билан ҳам ўқувчиларга манзур бўлади.

Ҳар қандай илм-фан соҳаси тўплаш, шарҳлаш ҳамда тадқиқ этиш босқичларидан иборат. Буларнинг охиргисини олдинги икки босқичсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, тўплаш ва шарҳсиз тадқиқот босқичига чиқиб бўлмайди. Бир асрдан зиёдроқ даврдан буён шаклланиб, тараққий этиб келаётган ўзбек фолклоршунослигини, заҳматкаш устозлар фаолиятини давом эттирган ҳолда, Маматқул Жўраев бу жараённи янги босқичга олиб чиқди, десак муболаға бўлмайди. "Наврўз байрами" — ана шу эътирофнинг исботидир.

Бу китоб Наврўзни ўзлигини сақлаб қолишнинг муҳим шакли сифатида ўнлаб асрлардан асраб олиб ўтган халқимизга чексиз муҳаббатдан туғилган.

**Илҳом ҒАНИЕВ,**
**Нодира АФОҚОВА,**
**филология фанлари докторлари**

# «МАЪРИФАТГА МАКОН ТОШКАНД...»

Ўтган асрнинг 70 — 80-йилларида малака ошириш учун ҳар сафар Тошкентга келганимда Талабалар шаҳарчасидаги газета дўкони негадир мени оҳанрабодек ўзига тортар эди. Унда истараси иссиқ бир отахон ишларди.

Дастлабки учрашувдаёқ у кишининг нуктадон, фозил инсон эканлигини англаб етдим. Меҳнат фахрийси бўлишига қарамай, "эрмак учун" ишлаб юрган бу зот билан яқиндан танишганимдан сўнг маълум бўлдики, бу киши Ҳусайнхон ота Абдулхайрхонов — шоир Мушкин экан. Кейинчалик отахон ўз ижоди битилган бир дафтарни менга лутфан тақдим этди. Вақт-соати билан уни китоб қилиб чиқаришимни орзу қилди. Аммо бу ишни отахон тирик пайтида амалга ошира олмадик. У киши 1976 йили вафот этди.

Ташкент – 2200

Ҳусайнхон ота Абдуллахайрхонов Мушкин 1904 йили Тошкент шаҳридаги Ялангқар маҳалласида, зиёли оиласида дунёга келади, бошланғич маълумотни ўз даврининг пешқадам зиёлиларидан бўлган падари бузруквори қўлида олади. Ёшлигидан шеър, ғазалга ўч, қўлидан Навоий ва Фузулий китоблари тушмайдиган Ҳусайнхоннинг омади бор экан, кўп ўтмай (тахминан 20-йиллар ўрталарида) қўшни Девонбеги маҳалласида турувчи таниқли шоир Ғулом Халил (Мулло Қўшоқ) — Мискин билан танишади. Ёш Ҳусайнхоннинг қалбидаги шеъриятга бўлган учқунни алангалатган, уни сўз санъатининг нозик, ўжар сирлари билан ошно қилиб, ҳатто унга Мушкин тахаллусини қўйиб берган зот ҳам мавлоно Мискин Тошкандий эканини отахон бизга завқ-шавқ билан сўзлаб бергани кечагидай эсимда. Уларнинг ижодий ҳамкорлиги ҳам Мискин вафот этган 1937 йилгача давом этади.

Адабиёту адибларга меҳри баланд бўлган бу камтарин, нуроний отахоннинг юрагига илҳом бериб, ғазал гулшанига етаклаган нарса халқимизнинг мислсиз меҳнатсеварлиги, меҳр-оқибати, инсонпарварлигидир.

Шоир Мушкиннинг соф севги, инсоний муҳаббатни тараннум этган дилбар ғазаллари ўз ҳофизу муғаннийларини кутмоқда.

Айни кунларда шоир меросини нашрга тайёрламоқдамиз. Унинг чоп этилиши Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига яхши бир туҳфа бўлади, деб умид қиламиз. Зеро, Мушкиннинг "Тошкент таронаси", "Роҳатмакон Тошканд", "Меҳригиё Тошканддадур" каби шеърларини ўқисангиз, бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз.

**Муҳаммаджон МАДҒОЗИЕВ,**
**филология фанлари номзоди.**

*Фарғона*

Ҳусайнхон Мушкин ТОШКАНДИЙ

## ТОШКАНДАДУР

*Эй биродарлар, келинглар, ошно Тошкандадур,*
*Ҳар киши не истагай ҳар муддао Тошкандадур.*
*Шаҳду шакардин ширин лаззатда ҳар хил меваси,*
*Катта-катта боғ-роғ-у хуш ҳаво Тошкандадур.*
*Олиму фозил, заковатли кишилар беадад,*
*Бир-биридин нуктадон ақли расо Тошкандадур.*
*Ишламоқда эрта-кеч ҳозиқ табиблар, офарин,*
*Бўлса дарди бедаволарга даво Тошкандадур.*
*Танга дармон бахш этарда нозанинларни кўринг,*
*Кексаларга сарв қоматлик ато Тошкандадур.*
*Барча атрофу шаҳардан жалб этиб тортмоқ учун,*
*Бағрикенг, меҳмоннавоз, меҳригиё Тошкандадур.*
*Ўзбекистон аҳлига олий муборак пойтахт,*
*Муҳташамдур шону шавкатли бино Тошкандадур.*
*Халқи—чи собит, адашмайдур йўлидан мутлақо,*
*Ҳар қаю бир соҳа узра раҳнамо Тошкандадур.*
*Маърифатга бир макон бўлди ажойиб юртимиз,*
*Деса бўлган энди, Мушкин, кимиё Тошкандадур.*

Доимий ҳамроҳ

*Адабиётшунос Муҳаббат Шарафутдинованинг яқинда "Фан" нашриётида чоп этилган "Узбекская проза XX века в контексте мировой литературы" номли монографиясида XX аср ўзбек насри намуналари жаҳон бадиий прозасининг илғор анъаналари билан қиёсланиб, таҳлил этилган. Муаллиф адабиётимизда яратилган бир неча романларни америка, рус, немис ва қирғиз адабиётлари намуналарига қиёсан тадқиқ қилган.*

*Китобнинг биринчи бобида Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи жаҳон бадиий насри, хусусан, Н.Гогол ижодига чоғиштирилади, ўзбек адиби асаридаги воқелик тасвирининг киноявий усули рус адибининг ижодига уйғунлиги далилланади. Ў.Ҳошимов ва У.Фолкнер асарларининг қурилишидаги типологик ўхшашлик ва бошқа муҳим бадиий жиҳатлар уларнинг "Икки эшик орасида" ва "Мен ўлаётган чоғимда" номли романларининг қиёсий таҳлили орқали батафсил ёритилади.*

*Шунингдек, китобда Ў.Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар" романининг бадиий хусусиятлари, хаёлот ва реалликнинг уйғунлигига асосланган ўзига хос услубдаги О.Мухорнинг "Минг бир қиёфа" романи Ф.Кафка, М.Булгаков сингари жаҳон адабиётининг улкан намояндалари ижодига қиёсланиб таҳлил этилади.*




*М.Шарафутдинова машҳур ўзбек адиблари асарларини жаҳон адабиёти контекстида кўриб чиқаркан, бу ёзувчиларнинг ижодида бир неча асрлик миллий маданий қадриятлар билан бирга, жаҳон адабиётининг замонавий бадиий тажрибалари ҳам сингдирилган, деган хулосага келади.*

*Китобга филология фанлари номзоди П.Мирза-Аҳмедова масъул муҳаррирлик қилган. Тақризчилар: академик Б.Назаров, филология фанлари номзоди С.Умиров.*

* * *

*Адабий танқиднинг ўзига хос ижод тури сифатидаги ранг-баранг жиҳатлари, хусусиятлари, мазмун-моҳияти тақриз, таҳлилий мақола, обзор мақола, адабий портрет, адабий суҳбат, мактуб каби жанрларида намоён бўлади. Дарҳақиқат, мазкур адабий танқид жанрларининг тараққиёт босқичлари, ички хусусиятлари, мунаққид маҳорати билан бевосита боғлиқ бир қатор масалалари борки, уларни таҳлил ва тадқиқ этиш адабиётшунослик, хусусан, танқидшуносликнинг долзарб мавзулари, вазифаси сирасига киради.*

*Адабиётшунос Шоира Аҳмедованинг "Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари" рисоласи айни шу мавзулар тадқиқига бағишланган. Монографияда ўзбек адабий танқидчилигининг жанрий таркиби, келиб чиқиш асослари, ҳар қайси жанрнинг белги-хусусиятлари батафсил ёритилган.*




*Рисолада муаллиф ўз олдига ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари таркибини аниқлаш, таснифини амалга ошириш, танқид жанрлари табиатини таснифлаш ва уларнинг ривожида мунаққидлар ижодининг ўрни ва аҳамиятини белгилашни мақсад қилиб қўйган. Мазкур тадқиқотнинг янгилиги шундаки, унда ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари биринчи марта яхлит тизим ҳолида илмий тадқиқ этилган.*

# ҚУРЪОН ТАРЖИМАЛАРИ: ТАЖРИБАЛАР

**Бошланиши учинчи бетда.**

Иккинчи хулоса:

Қуръон истилоҳлари, терминлари имкони борича чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ қилиниши ва ушбу текширишлар илмий таржималарга сингдирилиши зарур.

Бизнинг сўзлашув ва ёзув тажрибаларимизда сўзнинг орттирма даражаларини қўллашга майллар анча кучли кўзга ташланади. Чунончи Саййид Маҳмуд Тарозий ҳазратлари **"Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим"** каломини қуйидагича ифода қиладилар: **"Ибтидо қилинур беҳад меҳрибон ва ниҳоятда раҳмдил Аллоҳ номи ила"**. Бунда **"ибтидо қилинур"**, **"беҳад"** ва **"ниҳоятда"** деган сўзлар муболаға. Аслиятга нисбатан улар ортиқча. Аслият каломи ёмби, нодир, қисқа ва тез эсда қолади. Инсоф билан айтганда, уч аслий сўз орасига ортиқча сўз нари турсин ҳатто ҳаво зарасини ҳам киритиб бўлмайди. Кўпсўзлилик доимо таржимани сусайтиради, лўндаликка ва таъсирчанликка путур етади. Муҳтарама Валерия Порохова **"Раҳмон"**ни **"Всемилостивый"** деган сўз билан ўгиради. **"Все"** деган орттирма даража бу ерда ўринсиз. Матнда "кулли раҳмон" дейилаётгани йўқ. Шунинг учун Крачковский **"милостивый"** деб беради ва тўғри қилади. Бу каломни муҳтарама мутаржим доктор Сумайя Афифий ҳамда доктор Абдел Салом ал-Мансий Қуръоннинг рус тилига қилинган энг янги таржима нашрида ҳам "Во имя Аллаха милостивого, милосердного!", деб талқин этадилар. Шамсиддин Бобохонов, Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур "Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)", деб ўгирадилар. Бу айни адекват таржима. Ўзбек ўқувчисига яхши тушунарли. **Бисмиллоҳ, ло илоҳа илаллоҳ** сингари ўта хос иборалар ҳамда Аллоҳнинг гўзал исмларини аслиятда қандай бўлса, таржималарда ҳам шундай ўзгартирмай сақлаш ўринли бўлар эди. Буларни ҳар қандай таржима матнида арабчаси қандай бўлса, шундайича ифодалаш ва алоҳида изоҳда улар таржимасини кўрсатиб ўтиш матн колоритини, унинг оҳангдорлигини кучайтиради. Аллоҳ ислом динига, унинг аҳкомларига эътиқод қилган миллионлаб кишилар қалбига худди шу асл сифатлар, номлар билан кириб борган ва шундай қабул этилган. Атрибутларни ўзгартириш ўзини оқламайди. Таржима қонуниятларига кўра ҳам реалийларни асл ҳолича бериш ўзини оқлайди. Яна бир муҳим жиҳати асл реалийлар, истилоҳ-терминлар билан бирга ислом ғоясининг ўзига хосликлари бошқа тил муҳитларига ҳам ўтиб боради. Улар исломнинг ўзига хос дин эканлигига урғу беради. Реалийларни ўз асл ҳолича бериш илоҳий матнининг юксак колоритини сақлашга хизмат қилади. Мўмин, ислом, мусулмон, иймон, Аллоҳ, расул, ханиф, карим, раҳим, раҳмон, қаҳҳор, жаббор, фиқҳ, ҳадис, шариат сингари юзлаб тушунчалар ва терминлар минг йилдан ортиқ даврдан буён тилимизга қандай сингиб, ўзлашиб кетган бўлса, Аллоҳнинг гўзал исмлари — сифатлари ҳам шундай сингиб, ўзлашиб бораверади. Бунда ўзлашиш сари солинган катта йўл шлагбаумсиз келажак уфқлари сари олиб боради. Аллоҳ исмлари билан бирга илоҳий сураларнинг асл номлари ҳам тилмизга киради ва бора-бора таржимасиз ҳам тушунарли бўлиб қолади. Шунинг учун айрим таржима версияларида суралларнинг номлари асл ҳолича келтирилаётгани, саҳифа остидаги изоҳларда уларнинг маъноси ва айрим ҳолларда уларнинг тарихий маъноси келтирилаётгани ўқувчи учун катта давлатдир. Суралларнинг асл номларини билиш билан тушунчаларимиз бойийди, Қуръоннинг илоҳий юксак муҳитида нафас олишга етаклайди. Бу каби кенг ва чуқур зарурий ишларни, текстологик ишланмаларни, албатта, илмий академик нашрда амалга ошириш ўз-ўзидан заруратга айланади. Академик нашр қизиқувчилар ва ўрганувчиларнинг ҳар қандай саволларига лаббай деб жавоб бероладиган нашр бўлади. Унинг яратилишида ҳозиргача бўлган барча таржима версиялари улкан асос, моя вазифасини ўтайди. Ўз-ўзидан равшанки, ҳозирги бир қанча таржима версиялари бўлмаганда, эътиборли илмий академик нашр ҳақида сўз юритиш ҳам қийин бўларди.

Ҳозир қўлимизда мавжуд ва катта миннатдорлик билан фойдаланилаётган нашрларнинг ҳар бирининг ўз фойдали, ютуқ томонлари, жозибаси бор. Улар жуда катта машаққатли меҳнат ва изланишлар натижасида юзага чиққан.

Лекин ҳали бизда Қуръоннинг асл ҳиссий-руҳий бадиий қудрати ва шиддати, поэтик оҳангдорлигининг товланишлари ва мўъжизалари адекват сақланган ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилган эмас. Айниқса, ўттизинчи пора суралларининг шаҳду шиддати ва самовий ҳаяжонлари таржимада мукобил ифодаланган ўринлар камдан-кам учрайди. Энг олий ҳаяжонли ўринларда ҳам оятлар иложи борича соддалаштириб, иложи борича тушунарли қилиб беришга ҳаракат қилинган. Бу ҳозирги барча таржима версияларнинг умумий хусусияти. Кўпинча бу юксак илоҳий ҳаяжонларни таржима сўзида ифода қилиб бўлмайди, деган фикр юради. Ва кўп пайт ижодкор қўлларини боғлайди. Лекин домла Саблуков, домла Крачковский, Валерия Порохова хоним ҳатто шеърий йўл билан буни ўз тилларида ҳар қалай ифодалаш усулини топишга уриндилар-ку! Ўзбек тилида ҳам вақти-соати билан энг адекват таржима, энг ҳаяжонли (Қуръон даражасидаги ҳаяжонли) таржима бўлишини орзу қиламиз.

ХХ аср жаҳоннинг улкан аллома адибларидан бири Умберто Эко таржима нима, деган саволга жавоб бераркан, у "айнан айтиш", дейди. Яъни оригинал тилидаги матнни ҳар қандай бошқа тилда айнан айтиш, тўғрироғи, айнан ифодалаш. Таржиманинг энг оддий, энг тўғри таърифи шу. Уни таржиманинг универсал таърифи деб айтиш ҳам мумкин. Шунга кўра оятларнинг айрим таржималарига назар ташлайлик. "Маориж" сурасида қиёмат манзаралари баёт ўткир ва таъсирли, қўрқинч иборалар таърифланади. Ундан бир оят: **Явма такун с-самоу кал-мухли** (70, 8).

"У кунда осмон ёғнинг қуйқасидек бўлиб қолур".

Абдулазиз Мансур таржимаси (588-б.).

"В тот день, когда небо будет как медь расплавленная".

Л.Крачковский таржимаси, (471-с.).

"У кунда осмон эритилган мис каби бўлиб қолур".

Алоуддин Мансур таржимаси, (458-б.).

"Тот День,
Когда расплавленною медью станет небс".

Валерия Порохова таржимаси, (613-б.).

"Ул кун осмон бўлур эритилган мис каби".

Саййид Тарозий таржимаси

"В тот день небо будет подобно расплавленному серебру".

Сумайя Афифий ва
Ал-Мансий таржимаси, (1168-б.).

"Ул кун кўк бўлур эриган олтун кумуш каби".

XII аср эски ўзбек **тилидаги таржима**

Қуръоннинг 2008 йилда Москвада Элмар Кулиев таржимаси ва изоҳлари билан чиққан нашрида бу мухтасар оят "В тот день когда небо станет подобно расплавленному металлу (или усадку масла, или кровавому гною)" (с.574), деб ғоятда умумлаштириб, чалғитиб талқин этилади.

Қуръон аслиятидаги **"кал-мухли"** бирикмасининг қайси бир таржимаси тўғри? Тўрт таржимон уни "эритилган мис каби" деб талқин этади. Нисбатан янги ва тўла жиддий Қоҳира нашрида "эритилган кумуш каби", деб ўгирилади.

Эритилган мис билан эритилган кумушнинг фарқи борми? XII асрдаги номаълум муаллифимиз эса бу ҳолни "эриган олтун кумуш каби", деб тасаввур қилмоқда. Энг янги таржимонимиз эса бутунлай ўзгача тасаввурда: "осмон ёғнинг қуйқасидек бўлиб қолур", деган талқинни таклиф этмоқда.

Хўш, бу талқинларнинг қай бири тўғри? Қай бири оригиналга яқин? "Калмухли" таржимасининг асл эквиваленти қандай ифодаланади? Замон ўқувчиларига шу каби кўпдан кўп ўринларни аниқлаб бериш учун илмий академик нашр зарур эмасми?

Барча муфассирлар Қуръонни ўқиш ва уқиш Яратганга яқинлашиш йўли, зулматдан ёруғликка чиқиш ва етишиш йўли, деб тўғри тушунтирадилар. Қуръоннинг ўз шаҳодатига суяниб, уни турли ўзгариш ва ўзгартиришлардан Аллоҳнинг ўзи асрайди, деб уқтирадилар. 2000 йил русчага қилинган таржиманинг Қоҳира нашрида доктор Муҳаммад Тантовий сўзбошида шундай ҳаққоний фикларни айтади: "Одамлар ва халқлар Қуръонни ва унинг йўл-йўриқлари, аҳкомларини ўзларига раҳбар қилиб олсаларгина бахт-саодатга эришадилар. Ушбу ҳидоятга Қуръоннинг, унинг каломларининг маънолари, ифодаларини талқин қилмасдан, тушунтирмасдан, тадқиқ этмасдан етиб бўлмайди, мана шу илм-таълимотни тафсир деб аташади (талқин дейишади)" (Ўзбекчага таржима). (Қоҳира нашри, 2000 йил, 12-13-б.). Шундай тафсирларсиз бу китобни англаш мушкул, деб ёзади у яна. Ислом уламолари ҳазрат Тантовий ва ҳазрат Зарковий Қуръонни тафсир қилганда иложи борича содда қилиб ва шу билан бирга иложи борича аниқ қилиб тушунтиришга даъват этадилар. Суютий, Ибн Баттол каби улуғ алломалар илоҳий китобни бошқа тилларга таржима қилиш мумкин, аммо бунда бир муҳим шартга риоя қилиш даркор. Биринчидан, асл матнни аниқ ва сўзма-сўз бериб, унинг остида бошқа тилга ўгирилган маъноларини акс эттириш лозим, мана шу энг тўғри йўл, деб айтганлар.

Ҳар ҳолда илоҳий матнларнинг ўзбек тилига таржимаси принциплари: қоидалари, йўл-йўриқлари муайян тарзда аниқ ишлаб чиқилишига зарурат туғилаётгани сезилмоқда. Буларга грамматик принциплар, бадиий принциплар, шарҳлаш, изоҳлаш принциплари ва уларнинг энг мукаммал шакллари киради. Европа олимлари синчковлик билан Қуръон атамалари, терминлари, реалийлари устида қунт билан текширишлар олиб борганлар. Ҳатто академик Н.Я.Марр "Арабча "ханиф" термини ва унинг палеоантологик ёритилиши", деган рисола ҳам ёзган (1928).

Терминларга боқайлик: "У осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра муставий бўлган зотдир" (Алҳадид, 4).

"Яратди кўкларни таки ерларни олти кун ичинда ондин сўнг ариғлик бўлди арш уза"("Тафсир"). "Ариғлик" бу ерда сокинлик, тинчлик маъносида.

"Тафсир" сўзма-сўз таржимани оятлар остида бериб бораётган бўлса ҳам, "ҳуаллазий"ни тушириб қолдиради. Ундан кейинги сўзларни жуда содда ва аниқ ўгиради. Фақат оҳангдорликни сақлаш учун "арз" сўзини "ерларни" деб ағдаради. "Кўкларни ва ерларни" — жуда оҳангдор. Замонавий таржимон бу ерда "осмонлар ва ерни", дейди. "Арз"ни ерлар деб олиш тўғри бўладими? "Арз" матнда ер сайёраси маъносида келяпти. Уни "ерлар" деб олиш унчалик тўғри эмас. Бойхўжанинг ерлари дейиш мумкин. Ер куррасининг қитъалари дейиш мумкин. Лекин "Арш"ни "ерлар" дейиш тўғри бўлмайди. "Арз"ни "ерлар"деб берган ҳолда "Тафсир" "Арш"ни ўз ҳолича акс эттиради. Энг янги таржималарда ҳам бу тушунча ўз ҳолича "Арш" деб олинган. Энди жуда қисқа оятни кўрайлик. "Ҳуа л-азиз ул-ҳаким"("Алҳадид").

"У қудрат ва ҳикмат соҳибидир" (1-оят).

Таржимон "азиз" ва"ҳаким"ни "қудрат ва ҳикмат соҳиби"деб ўгиради. Шу суранинг учинчи ояти: "У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир. У барча нарсани билувчидир", деб ағдарилади. Яъни асл матндаги Аввал, Охир, Зоҳир, Ботин тушунчалари ўз ҳолича келтирилади. Нега олдинги оятдаги "Азиз" ва "Ҳаким" тушунчалари таржимада берилди-ю, кейинги оятда ўша қатордаги Аллоҳнинг тўрт гўзал сифати асл ҳолича олинди? Биз бу гапни принципларнинг шаклланмаганлигига мисол учун олмоқдамиз. Нотўғри таржима демоқчи эмасмиз. Ёндошувлар турлича. Шунинг учун таржимада аслиятда йўқ "зотдир", "соҳибидир" деган ортиқча сўзлар кўп ишлатилади. Ҳолбуки, бунга ҳожат йўқ. "Охир" ва "Зоҳир" асл ҳолича олинганда, "Алим" — "билувчи" деб ағдарилади. "Барча нарсаларни билувчи Алимдир" — деб реалийни сақлаган ҳолда колоритини келтириб ўгириш ҳам мумкин. Бунинг учун эса таржима принциплари мукаммал ишланган бўлиши зарур. Саййид Тарозий талқинида эса, айтайлик, "Аввал" ва "Охир" ўзича олинган ҳолда "Зоҳир" ва "Ботин" — "Ошкора" ва "Махфий" деб қайд этилади. Бу ҳам изчил бир принципга амал қилмасликдан. Ёки бир таржимон "Азиз"ни "Ғолиб" деб ўгиради, бошқа таржимон уни "Қудрат соҳиби" деб олади. Хос отларни хилма-хил талқин этиш жойиз эмас. Булар таржима матнларини ҳаддан ташқари соддалаштиришга олиб боради. "Аллоҳнинг чиройли исмлари бордир. Уни ўшалар билан атангизлар" ("Аъроф"). Чиройли исмларга чиройли риоя жойиз. "Аллоҳ, деб чорлангиз, ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангизларда (жойиздир). Зеро, Унинг гўзал Исмлари бордир" ("Ал-Исро"). Бу ерда "зеро", "жоиз" ортиқча юк. Гапнинг грамматик тўғри қурилиши топилмаган. Аммо таржимон "Аллоҳ", "Раҳмон" сўзларини таржима қилмасдан бериш зарурлигини бунда яхши ҳис қилган. Нега "Қуръон", "Лавҳ ул-маҳфуз" сўзларини таржима қилишни асло хаёлимизга келтирмаймиз? Таржима қилса бўлади-ку! Лекин бунга зарурат йўқ. Ҳозирги Қуръон таржималарида, не ажабки, услуб йўқ. У шаклланиб етмаган. Эмоционаллик йўқ. У шаклланиб етмаган. Шунинг учун Аллоҳнинг жаноб Муҳаммадга мурожаатлари "СИЗ" деб олинса, бошқа элчиларга "Сен" деб айтилади. Пайғамбарлар эса Аллоҳга "Сен" деб нидо қиладилар. Қандай бўлиши керак? Қай бир йўл тўғри? Андеша йўли тўғрими? Ҳақиқат йўлими? Илмни изчилликсиз тассаввур қилиш мумкинми?

Ниҳоят, яна бир мулоҳаза: истиқлол йиллари ислом маданияти, маърифати учун кенг тараққиёт йўллари очилди. Дин тарихи, таълимоти ақидалари, унинг ер юзида яшовчи халқлар орасида кенг ёйилиши, бунинг асосий сабаблари, қонуниятлари, XXI аср — илм-техника юксак ривожланган даврда ахлоқий-маънавий, руҳоний қарашларнинг турли-туман қавмлар, аҳоли қатламларига, бинобарин, курраи арздаги умумий маънавий-эътиқодий иқлимга кўрсатаётган кучли таъсир йўналишлари ҳақида замонавий илмий тадқиқотлар олиб боришга майллар уйғонмоқда. Ислом университети 10 йилдан буён Тошкентда фаолият кўрсатаётгани бу уйғонишлар чинакам илмий рағбатга айланишига умид туғдиради. Қуръон ва ҳадисларнинг таржималари билан бирга исломий йўналишдаги адабиётларнинг салмоғи ҳам хийла ортиб бормоқда. Исломий диний адабиётларда тарихийлик, маърифийлик, илмийлик тамойиллари етакчи бўладиган жараёнлар етиб келган. Бугун расталарни тўлдириб турган аксар юпқа-қалин китобларнинг мавзулари, ёзилиш услублари икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди. Улар қиймсиз бир-бирини такрорлайди. Кўп ҳолларда бу рисолалар мусанниф ва муаллифларнинг фақат исми билангина фарқланади. Муаллифларда масалага оригинал фикрий муносабатларнинг йўқлиги, баён, талқинларнинг ўта сийқа, чўпчакнамолиги китобларнинг қадр-қимматини туширади. Буларнинг ўрнига буюк ислом олимлари, Табарий, Замахшарийларнинг асарларини таржима ва шарҳлар билан чиқариш, улуғ тафсирларини тузиш афзал эмасми?

Исломнинг бутун жозибаси — Қуръон. Унинг таржималари қанчалар мукаммал, фасиҳ ва бадиий эҳтиросли бўлса, илоҳий мўъжизалар қалблар ва онгларда шунчалар ўчмас акс садо топади.

**Иброҳим ҒАФУРОВ**



# СЕҲРДАН ЯЙРАСИН ҚЎНГИЛ УЙИ

***Яхши куй ёки қўшиқ тинглаган одамнинг дили яйраб, кўнгли ғубордан покланади. Гўзал қўшиқнинг ибтидоси эса унинг шеърида. Шу боис элга манзур қўшиқ яратаман деган ҳонанда аввало шеърият билан ошно тутинади.***

Шеър ва ғазал билан ошно қалб матнининг савияси, унинг саёз ёки теранлигини тез идрок этади. Ҳеч қачон қофиядангина иборат, гоҳо қофияси ҳам сакта қораламадан қўшиқ яратаман деб беҳуда овора бўлмайди. Негаки, матни чалажон "қўшиқ"лар дидни бузишдан, савияни саёзлаштиришдан ўзга нарсага ярамайди.

Афсуски, радио ва ТВ, турфа дисклар орқали таралаётган қўшиқлар орасида мусиқий дид-савияси шаклланиб улгурмаган ёшлар дунёқараши, тафаккурида нохуш из қолдирадиган маза-матрасиз хиргойилар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Бундай "кўча қўшиқлари" навқирон авлодни мумтоз санъат дурдоналаридан йироқлаштиради. Улар миллий мусиқа тинглашга хуши йўқ манқуртларга айланиб қоладилар. Қулоқлари ўзга нағмаларга ўрганган кўнгилларни асл миллий ашула ва куйларимиз нафосатидан баҳраманд этиш қийин кечади. Ҳолбуки, халқимиз асрлар мобайнида яратган, сайқал берган, тўй-тантаналарда куйлаб келаётган мақом ва катта ашулалар ноёб маънавий мулк сифатида қадр топмоқда. Халқаро қўламда эътироф этилаётган номоддий маънавий меросимиз абадий йўқолиб кетишдан муҳофаза этиладиган умуминсоний маданият дурдоналари рўйхатидан муносиб жой олаётир. Яқинда "Катта ашула"миз ҳам "Шашмақом" мумтоз мусиқамиз ҳамда Бойсун туманининг маданий макони қатори ЮНЕСКО шафелигида муҳофаза этиладиган номоддий маданий мерос рўйхатига киритилгани бежиз эмас.

Кўп асрлик мусиқий мерос анъаналарига таянган шоир ва бастакорлар бугун ҳам халқимиз маънавиятини бойитадиган янги-янги қўшиқ ва миллий оҳангларни яратмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ягонасан, муқаддас Ватан!"** республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарорида она Ўзбекистонимизни улуғлаш ва кўз қорачиғидек асраш, ёш авлод қалбида Ватан шаъну шарафини ҳимоя қилишдек эзгу туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат ва унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ва уларни халқимиз маънавий мулкига айлантириш масалалари алоҳида таъкидлангани айни муддаодир.

Ватан туйғуси аввало она алласи орқали қалбимизга муҳрлангани каби бу туйғунинг бутун умр юрагимизда чуқур илдиз отиб, бизга ҳамроҳ бўлиши, эзгу ишларга даъват этиши ҳақиқий миллий қўшиқлар нечоғли кўп бўлишига ҳам боғлиқ. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этган "Туғилган кунинг" қўшиқлар гулдастасини ўқиганда беихтиёр ана шу ҳақда ўйладим. Мазкур тўпламга жамланган шеър ва ғазаллар билан танишганда халқимизнинг севимли ашулалари сафидан жой олиб, машҳур хонандалар тилидан тушмаётган гўзал қўшиқлар билан бирга таниқли композитору хонандалар дастуридан жой олишга арзирли қўшиқбоп шеърлар ҳам бисёр эканига амин бўласиз.

Композитор Анор Назаровни мухлислар яхши билишади. У яратган кўплаб дилбар қўшиқлар орасида Абдулла Орипов шеъри билан куйланадиган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" ҳамда Жуманиёз Жабборовнинг ушбу тўпламдан жой олган "Нозланажакдир" ашуласини севиб тинглаймиз. Ҳар икки ашула ҳам тингловчи қалбини ром этади. Уларда шоиру бастакорнинг бетакрор истеъдоди яққол намоён бўлиб турибди.

**Наврўз келибон жумла жаҳон нозланажакдир,**
**Офтоб қизитиб, аста-секин ёзланажакдир.**

**Яшнар табиат, дашту адир лола ичинда,**
**Юртим — чаманим ўзгача пардозланажакдир...**

Бу ашула баҳорий валс каби Наврўз шодиёналарига ўзига хос сурур бағишлаб келаётир. Қани энди шундай қўшиқлар янада кўпроқ яратилса. Юртбошимизнинг юқорида тилга олинган қарори барча шоиру бастакорлар, ҳаваскору профессионал ижрочиларни шунга даъват этиши шубҳасиз.

Хўш, Ватан ва она юртни мадҳ этувчи гўзал тароналар қандай ижодий муҳитда яратилади? Бу ҳақда қўшиқлар гулдастаси сўз бошисида Жуманиёз Жабборов шундай мулоҳаза юритади: "Ватан, диёр таронаси, ўз юртинг, ўз халқинг билан фахрланиш туйғуси ҳар бир ижодкор учун асосларнинг асосидир. Ҳар бир қўшиқ охир-оқибатда шу туйғу замирида юзага келади. Ёр ишқи, табиат мадҳи, висол ва ҳижрон, дарду севинч туйғулари ҳам шу ҳиссиётдан нурланади. Қўшиқ ҳамиша ва ҳаммавақт, ҳар қандай кайфиятда инсоннинг энг яқин дўсти ва қанотидир. Юракдан чиққан қўшиққина юракларга йўл топади".

*Қўшиқлар гулдастаси*

Яхши қўшиққа ҳамиша эҳтиёж катта. Бастакор меҳр билан яратган куйгина шеърнинг қўшиқ сифатидаги парвозини таъмин этади. Бунинг учун бастакору ижрочида шеърни теран идрок эта олиш иқтидори бўлиши керак. Машҳур хонандалар репертуаридаги ашулалар халқимиз орасида кенг ёйилгани боиси ҳам шунда. "Мен яхши қўшиқни руҳнинг жилваланган суврати дегим келади, — дейди Жуманиёз ака. — Бу ўзига хос дилбар олам сеҳрли садолардан тузилган мўъжизалар дунёсидир. Айни чоғда, қўшиқ инсоннинг энг биринчи санъати ва уни ўраб турган дунёга илк муносабати ҳамдир. Инсон дунёга кўз очаркан, она алласи билан шу оҳанглар оламига кириб боради ва умрбод у билан нафас олади. Биз уни кўнгил сирдоши, руҳнинг оҳангдаги қиёфаси, дилларни дилларга боғловчи олтин кўприк, дея улуғлаймиз. Агар у чинакам санъат асари бўлса, унда инсон деган буюк зот бутун маъноси билан акс этади. Бирор халқнинг қўшиқлари тарихини ўрганиш орқали унинг ўтмиши, орзу-армонлари, кайфияти, тараққиёти даражаси, орзу-интилишларини билиб олиш мумкин".

Матниёз Юсупов, Икром Акбаров, Анор Назаров, Мустафо Бафоев каби атоқли композиторларнинг шоир билан ижодий ҳамкорликда яратган кўплаб ашулалари умрбоқийлик касб этгани боиси ҳам аввало бу масъулиятли жараёнга юксак санъат мезонлари асосида ёндошилгани билан изоҳланади. Шоирнинг Фахриддин Умаров ижросидаги "Севгини асранг, дўстлар", Алижон Эркаев ижросидаги "Гўзалим" ва "Булбул", шунингдек, Таваккал Қодиров, Қобилжон Юсупов ҳамда "Фаёд" гуруҳи ижросидаги қатор қўшиқлари фикримизга далил бўла олади.

Қўшиқлар гулдастасини варақлаганда диёр ва ёр, севги ва дўстлик, гўзал инсоний туйғулар тараннум этилган шеър ва ғазаллар руҳингизни сирли оламларга ошно этади. Айниқса, шоирнинг "Навоий дунёси", "Айланур", "Бу диёр", "Кўнгул ичинда", "Бўлажаксан" каби ўнлаб ашъорлари истеъдодли бастакорлар илҳоми билан гўзал қўшиқларга айланади, деб умид қиласиз.

**Дарёга зуғум қилсанг агар, ғарқ бўлажаксан,**
**Яхшию ёмон бўлса феълинг, фарқ бўлажаксан.**

**Алданма, унинг ҳам тили йўқ, ҳам дили йўқ деб,**
**Қатрани қадр айлаки, барҳақ бўлажаксан.**

**Юз йил яшагил ўзни дебон, заҳр тутунсан,**
**Бир лаҳза кўрин халқни дебон, барқ бўлажаксан.**

**Эй, ақл, сени мен демагум асло қуёшим,**
**Тафтсиз нечаким шуълада ярқ-ярқ бўлажаксан.**

**Ғарб бирла Жануб, Шарқ Шимол — барча баробар,**
**Кўнглим, шу сифат шарҳинг эса, Шарқ бўлажаксан.**

**Сирлашмоқ ила олам уйн сенга мунаввар,**
**Бирлашмоқ ила халқ эдингу халқ бўлажаксан.**

**М.АБДУЛЛАЕВ**

***Яқин кунларда Бадиий академиянинг кўргазмалар залида, очиқ майдонда Тошкентнинг 2200 йиллиги ҳамда рассомлар кунига бағишланган анъанавий "Тасвирий санъат ҳафталиги — 2009" савдо кўргазмаси бўлиб ўтади.***

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ — 2009

Миллий санъатимизнинг бой мероси, бугунги салоҳияти ва истиқлол йилларида етишиб келаётган ижодкорларни кенг жамоатчиликка таништириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси ўтказаётган ушбу санъат байрами Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ички Ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги, "Ўзбектуризм", "Ўзбеккино" Давлат акционерлик компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бадиий жамоатчилик ва тасвирий санъат ихлосмандлари орасида қизиқиш уйғотган "Тасвирий санъат ҳафталиги" савдо кўргазмаси хорижий мамлакатларда ҳам юқори баҳоланган. Мазкур кўргазма маданий воқеа сифатида эътироф этилиб, Жанубий Кореялик ўн нафар рассом "Тасвирий санъат ҳафталиги — 2008" санъат байрамида ижодий ишларини ўзбекистонлик ҳамкасблари қаторида намойиш этган эдилар. Бу йилги байрамда Англиядан Темур Ватз, Америка Қўшма Штатлардан Алисон Рове, Россиядан Эйнгел Исхаков каби рассомлар иштирок этишади. Байрам кунлари бир гуруҳ таниқли рассомларимиз вилоятларда "мастер-класс" машғулотларини ўтказадилар. Тадбир дастурига биноан санъатшунос, театршунос, музейшуносларнинг давра суҳбатлари бўлиб ўтади.

Тасвирий санъат байрами томошасига келган ҳар бир томошабин шу ернинг ўзида ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик асарининг яратилиш жараёни билан бевосита танишиб, рассом яратаётган портретнинг қаҳрамонига айланади. Тасвирий санъат ихлосманди ранглар олами гўзалликларини шу ернинг ўзида ҳис этиб, ўзи ҳам рассом сифатида мўйқалам билан ўзи истаган мавзусида асар яратиши мумкин. Кечга яқин жаҳон ва ўзбек тасвирий санъати намоёндалари ҳақида яратилган ҳужжатли филмлар намойиш этилади.

Ҳафталикнинг энг фаол иштирокчиларига "Тасвирий санъат ҳафталиги"нинг олтин, кумуш, медаллари, сертификатлар, дипломлар, ҳомийларнинг совғалари топширилади.

21-25 апрел кунлари бўлиб ўтадиган мазкур ҳафталикка марҳамат.

**Наргиза ТОЛИПОВА,**
**санъатшунос**

Ёдгорлик

# УСТА ТАЪМИРЧИ ЭДИ

Абдулла Йўлдошев ўз касбини севувчи таъмир устаси, шу билан бирга манзара яратувчи яхшигина рассом эди. У санъатни, санъаткорларни, музейларни, театрларни хуш кўриб, қаерда тасвирий асарлар таъмирталаб бўлса, талаб ва илтимосларни ўз вақтида бажариб, ўзига катта ишонч уйғота олди. Абдулла ака билан чорак асрдан кўп бирга ишлаш насиб этди. 1966 йилги зилзила оқибатида жуда кўп бинолар зарар кўрган эди. Алишер Навоий номидаги театрнинг Фарғона зали учун ишланган "Фарғона водийси" деворий рангтасвири ҳам жиддий шикастланганди. Ўша йилларда бу монументал асар манзара дейиларди. Бир қарагандa худди қадимги деворий расмни эслатарди.

Санъат музейининг таъмирчи рассоми Абдулла ака Йўлдошевни театр раҳбарияти жуда яхши билар экан. Таклиф

этишди. Абдулла ака бу ҳақда қуйидагиларни айтиб берган эдилар: "Манзара кўп шикастланган экан. Роса бош қотирдим, қандай таъмирлаш йўлини изладим. Театр раҳбарияти ихтиёрни менга берган бўлса-да, аслига келтиришимни, ўзгартиришлар киритиб бузиб қўймаслигимни, қандай бўлса, шундайича, илгариги ҳолатини сақлаб қолишимни сўрашди. Асарни ҳар томонлама чамалаб кўриб, салкам ярим йил вақтим кетишини айтдим. Лекин маъмурият иложи борича тезроқ битказиш кераклигини айтишди. Шу орада театр жамоаси дам олишга кетадиган бўлди." Абдулла ака ижодий ишларга бор вужуди билан киришарди. Шунинг учун ҳар бир иши сифатли чиқарди. Театрдаги деворий манзарани таъмирлашга ҳам шундай ёндашди.

Ишчилар кўмагида манзарани деворлдан авайлаб кўчириб, пастга олиб кўяди. Кўчирилганда тасвирнинг бир қанча жойида кўз илғар-илғамас тешикчалар пайдо бўлганди. Зал анча кенг бўлгани учун асар супрадек ёйиб қўйилади. Тасвирнинг бўёқлари ёрилган, қорайиб, хира тортиб қолганди. Абдулла ака уни аввал артиб-тозалайди. Букланиб қолган жойлари юмшатилгач, чўян дазмол юргизилиб тўғриланади. Хира тортган тасвирлар ўрнига аниқ, ўзига хос ранглар берилади. Шу тариқа Абдулла ака театрда ярим йилча қолиб кетди. Орада Санъат музейидаги таъмир ишларини ҳам бажариб борди. Роса олти ой муддат ўтгандан кейин, аслига келтирилган манзара тасвир деворга қайта ёпиштирилади. "Фарғона водийси" деворий расми жилоланиб, яна ўз аслига келади.

Абдулла аканинг хизматидан театр жамоаси ниҳоятда миннатдор бўлади. Уста таъмирчи рассом қўлида сайқал топиб, умрбоқийлик касб этган бундай нақшлар кўп. Уларнинг ҳар бирида моҳир устанинг қалб қўрию ўлмас санъати акс этиб турибди.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**санъатшунос**

# ТАШАББУС КАЛИТИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Бу йилги Халқаро театр байрами муносабати билан 27 март куни Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар мусиқали драма театрининг пойтахтимизда намойиш этган ҳар икки спектакли томошабин ва мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.

Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида драматург С.Имомовнинг "Кўчки" пиесаси асосида режиссёр Ҳотам Охунов, Ўзбек давлат драма театри саҳнасида драматург Нурилла Аббосхоннинг "Боғ" пиесаси асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев саҳналаштирган спектаклларда театрнинг етакчи санъаткорлари иштирок этдилар.

Қўқон театри мамлакатимиздаги ёши улуғ жамоалардан бири. Ҳ.Ҳ.Ниёзий асос солган бу театр салкам бир асрлик фаолияти давомида мураккаб ижодий сўқмоқларни босиб ўтди. Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Миршоҳид Мироқилов, Наби Раҳимов каби номларнинг ўзиёқ Қўқон театри ўзбек театри санъати ривожига қанчалар ҳисса қўшганини яққол кўрсатиб турибди. Пойтахтда намойиш этилган спектакллар ҳозирги замон Қўқон театри ўз ижодий анъаналарига содиқ ҳолда чуқур ижодий ва мураккаб жараёнларнинг ичида эканлигини кўрсатди.

*Пойтахтимиз меҳмонлари*

Наманганлик драматург Н.Аббосхоннинг "Боғ" асарини Қўқон театри бундан бир неча йил аввал республика театрлари орасида биринчи бўлиб саҳналаштирган, театрлар фестивалида иштирок этган ва "Миллий қадриятларни эъзозлаш" номинацияси бўйича ғолиб бўлган эди. Ушбу спектакл таниқли режиссёрларимиздан бири К.Йўлдошев билан ҳамкорликда амалга оширилгани ҳам фестивал ҳайъати томонидан яхши баҳоланганди. Аслида Қўқон театри туфайли Н.Аббосхоннинг "Боғ" пиесаси республиканинг кўпгина театрларига, жумладан, пойтахтнинг Мукимий номидаги мусиқий театр саҳнасига ҳам кириб келди.

"Кўчки" асари, ёзилганига анча бўлиб қолганига қарамай, Қўқон театрида биринчи бўлиб саҳналаштирилди. Саҳналаштирувчи режиссёр Ҳотам Охунов Ўзбекистон Давлат Санъат институтининг режиссёрлик бўлимида устоз Шуҳрат Аббосов гуруҳида таҳсил олган. У 2007 йил ёш режиссёрларнинг "Дебют" ижодий фестивалида муваффақият қозонгандан сўнг, Қўқон театрининг етакчи режиссёри сифатида ишга қабул қилинган. Ёш режиссёрнинг мазкур спектаклида, айрим жузъий камчиликларга қарамай, профессионаллик дасхати кўриниб турибди. С.Имомовнинг бу пиесасидаги сюжет қурилиши принципи нуқтаи назаридан жаҳон драматургиясида кўп қўлланган усул бўлса-да, ўзбек драматургиясида илк бор амалга оширилганлиги боис, режиссёр ва актёрлардан образ яратишда касб устаси бўлишни талаб қилади. Бундай пиесалар драматургия тарихида жуда кўп ишланган. 2008 йил сентябр ойида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари театрларини иккинчи фестивалида катта эътиборни жалб қилган спектаклдан бири — Қирғиз телетеатрининг "Жаннатнинг олис йўли" деб аталган спектаклида ҳам худди шундай боши берк вазият юзага келтирилади: воқеалар давомида барча персонажлар ўзларининг ички дунёларини очиб ташлашга мажбур бўладилар.

С.Имомовнинг пиесаси замирида ҳам мана шундай яширин мина сақланади. Ҳ.Охунов мазкур спектаклда қўқонлик санъаткорларнинг ижодий имкониятларини очишга эриша олган. Пиеса персонажлари одатдаги исм-шариф билан эмас, балки эл ичида танилган касблари билан номланадилар. Бундай номланиш бежиз бўлмай, спетакл жараёнида ҳар бирининг номини шарҳлайдиган қиёфаси ичига яширинган руҳияти очилишига олиб келади.

Маълумки, ҳар қандай театр жамоасида янги режиссёрнинг ижодий раҳбар бўлиб келиши театр репертуарининг янгиланиши билан бирга, асарни саҳналаштириш жараёнларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу маънода ижодий имкониятлари катта бўлган режиссёр Ҳотам Охуновнинг Қўқон театридек масъулиятни чуқур ҳис этадиган жамоа билан иш бошлаши таҳсинга лойиқ. Боз устига, театрнинг маъмурий раҳбари Турғунжон Орифжонов санъатни жон дилидан севадиган фидойи, тиниб-тинчимас инсон. Тошкентда кўрсатилган спетаклларда Ўзбекистон халқ артисти Шафоатхон Раҳматуллаева, театрда узоқ йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган Ёқутхон Жўраева, истеъдодли артистлар Баҳром Раҳимов, Акром Анваров, Раъно Жўраева, Одина Бегматовалар билан бир қаторда Сайёра Пўлатова, Ҳусан Орифжонов каби ёш изланувчан артистлар ҳам қатнашдилар.

Намойиш қилинган ҳар иккала спектаклда роллар тақсимотида айрим номутаносибликлар кўзга ташланди. Масалан, "Боғ" спектаклида бош қаҳрамон Келинчак роли ижросида Ёқутхон Жўраева қанчалик маҳоратини сарф этмасин, оддий томошабин ҳам келиннинг ёши сохталагини, бу хусусият ота билан ўғиллари қиёфасига ҳам тегишли эканлигини яхши кўриб туради ва уни алдаб бўлмайди. Ёки "Кўчки" спектаклида вақти-вақти билан қалқиб чиқадиган, "портлайдиган" ҳолатлар режиссёр пиесадан келиб чиқиб таклиф қилган (уларни лаҳжасида "предлагаемие обстоятелства"), воқеа бўлиб, ўтадиган шарт-шароит билан узвий боғлиқ ҳолда бўлмай, аксинча, алоҳида-алоҳидалиги спектаклнинг бадиий ечимини ҳиралаштириб қўяётгани каби камчиликларни ўзлари ҳам билиб турибдилар. Бунинг асосий сабаби ёш ижрочи кадрлар танқислигида бўлиб, театр раҳбарияти бутун диққат-эътиборини шу вазифани ҳал этишга қаратади, деб ишонамиз.

**Тоир ИСЛОМОВ**

# МАТН ПУХТА БЎЛСА...

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси репертуар ва назорат бошқармаси ҳузурида жамоатчилик кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Суҳбатда сўзга чиққан ижодкорлар Икром Отамурод, Ахтамқул Карим, Азиз Саид, Абдумажид Азим, Нуриддин Аминжонов ва бошқаларнинг фикр — мулоҳазаларидан шу нарса англашилдики, қўшиқ санъатнинг энг таъсирчан турларидан бири саналади. Қўшиқ тингловчи фикрига, руҳиятига таъсир қилади. Бинобарин, қўшиқни бемалол тарбия воситаси, деб айтиш мумкин. Шундай экан, куйлаётган ҳар бир одам зиммасидаги маъсулиятни ҳис этиш керак. Албатта, хонандалар орасида юксак дидли, кенг дунёқарашга эга ижодкорлар кам эмас. Лекин, қандай китоб ўқигани ҳақида сўрасангиз, кўплари китоб ўқимаганини, ҳатто ўқишга вақти йўқлигини тортинмай айтадиган қўшиқчилар ҳам учрайди. Айниқса, ёшлар ўртасида бундай ҳолатга тез-тез дуч келиш мумкин. Ҳар бир хонанда аввало китоб ўқиши, шеъриятдан хабардор бўлиши кераклигини тушуниб етиши лозим.

Халқ қўшиқлари билимдони Н.Аминжонов асосий қусур шеърдан, шеъриятдан яхши хабардор бўлмасликда эканини алоҳида таъкидлади. Агар хонандалар ўзлари куйлаётган қўшиқ матни билан қизиққанларида баъзи мумтоз ва халқ қўшиқларимизнинг замонавий талқинида хато ва чалкашликлар учрамасди. Баъзан устоз ҳофизлар ижроларида ҳам матнда хато кетган жойлар учрайди. Буни тўғрилаб айтишни фақат шеъриятга қизиққан ва тушунган одамгина уддалаши мумкин.

Афсуски, айни вақтда ўзи шеър ёзиб, ўзи мусиқа басталаб куйлайдиганлар ёки буюртма матнларни айтадиганлар кўпайиб бораяпти. Афсуски, хонандаларнинг аксарияти танқиддан тўғри хулоса чиқармаяптилар. Умуман, танқидга тўғри муносабатда бўладиган қўшиқчилар жуда оз. Ёшларни танқидий мулоҳазалардан керакли хулоса чиқаришга тайёрлаб бориш керак.

Бастакор Дони Илёсов, таниқли хонандалар Ғиёс Бойтоев, Шуҳрат Қаюмов, Бахтиёр Султонов, Исроил Саидумаров ва бошқалар айтилган фикр-мулоҳазаларга ўз муносабатларини билдирдилар. Бундай давра суҳбатлари ниҳоятда зарурлигини, уларга ёш, хусусан, бошловчи ижодкорларни кўплаб жалб этиш зарурлиги айтилди. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан эстрада қўшиқчилик санъатини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилаётган экан, хонандаларимиз бу эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб беришлари лозим. Яқинда эълон қилинган "Ягонасан, муқаддас Ватан" республика кўрик-танлови ҳам миллий эстрада қўшиқчилигига бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Давра суҳбатини "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори А.Ҳайдаров олиб борди.

***Бир тасаввур этинг-а, ёш она беланчакда ухлаётган ўғлига атаб тўнча, у улғайгач эса бўлажак келинга сеп, ҳали ҳаёт юзини кўрмаган набирасига кўйлакча тайёрламоқда. Бу халқимиз ҳаётининг оддий бир манзараси. Муҳими, паричеҳра ўзбек аёли умр бўйи гўзалликка, орасталикка интилиб яшайди. Ҳатто, кўзлари хиралашган пайтда ҳам қўлидан игна тушмайди. Негаки, муслима аёлларимиз ҳамиша дид билан кийинишга эҳтиёж сезганлар.***

# ОРАСТА КИЙИНИШ — САНЪАТ

Либослар, бичиш-тикиш ишлари азалдан ўлмас санъат тури бўлган. Миллий маданий анъана ва халқ бадиий мероси асосида яратилувчи ўзига хос ижод ҳисобланган. Ҳар қандай ижтимоий шароитда либослар замон талаби асосида ўзгариб туради. Шубҳасиз, аёлларнинг кийиниш маданияти фақат ўзи яшаган муҳитгагина эмас, барча даврларга хос умуминсоний хусусиятлар, нафосат, гўзаллик ҳақидаги фалсафий-руҳий қарашларга ҳам боғлиқ. Айтайлик, ибтидоий жамиятда аёллар эркаклар билан бир хил ёввойи ҳайвон терисини либос сифатида кийган бўлсалар, қулдорлик даврида улар "Бор танлаб кияди, йўқ ямаб" деган ақидага риоя этишган. Кишилик жамиятининг кейинги ривожланиш босқичларида айнан аёл зоти киядиган либослар ўша муҳит, ўша давр руҳига мослашган табиий ипакдан тўқилган атлас, духоба, беқасам, сунъий ва кимёвий толалардан иборат матолар бу жараёнга дадил кириб келган. Айтиб ўтганимиздек замон ўзгариши билан аёлларимиз дунёқараши, тафаккурида ҳам ўзгаришлар содир бўлиши табиий ҳол.

Истиқлол шарофати билан ўзбек аёлларининг кийиниш маданияти луғатига либос дизайни ва модельер каби янги иборалар кириб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Либос дизайни ораста кийиниш учун либос лойиҳасини тайёрлаш билан шуғулланувчи сохадир. Модельерни эса аёллар маънавий оламида кечаётган жараёнларни ҳис этган ҳолда уларни аёллар либосининг қоғоздаги андоза чизмаси ифода этувчи уста, деб таърифлаш мумкин.

Модельер тафаккурни, ҳис-туйғуларни ифодалаш учун ҳамиша қадам босилмаган сўқмоқлардан йўл ахтаришга ҳаракат қилади. Бинобарин, у яратган либослар субъектив фикр ҳосиласидир. Мамлакатимизда либос дизайни ва замонавий мода билан боғлиқ санъани янада ривожлантиришда "Ўзбекистон маданияти ва санъти форуми" жамғармаси ҳамда "Осиё рамзи" модалар уюшмаси ва Тошкент либослар уйи томонидан 2006 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинётган "STYLE.UZ" дизайн ва мода ҳафталигининг алоҳида ўрни бор. Бу жамғарманинг саъй-харакати билан ҳафталикнинг тадбир қўлами йилдан-йилга кенгайиб, нафақат Шарқнинг, балки бутун жаҳон мода санъатида ишлаётган таниқли дизайнерлар, замонавий либослар уйи эгалари, йирик халқаро ташкилотлар ва телекомпаниялар вакиллари, шоубизнес юлдузлари, дунё мода журналлари муҳаррирлари, жамоат арбобларининг ҳам этиборини қозонмоқда. Жумладан, 2008 йилдаги дизайн ва мода ҳафталигида "SISI WASABI" (Германия), "WELTORD" (Австрия) ва бошқа жаҳонга машҳур мода уйлари, Россия дизайнерлари А.Ахмадуллина ва Ю.Далакян, Японияндан Н.Сурикабе, ҳиндистонлик С.Варма қатнашдилар. Ҳафталикнинг фахрий меҳмонлари орасида Т.Кензо, маҳоратли фото-суратчи А.Рау, рассом М.Фукуслар бор эди. Ушбу ҳафталикнинг яна бир диққатга сазовор жойи шундаки, халқимиз руҳи, урф-одатларимиз акс этган анъанавий матолар асосида тикилган либослар барча қатнашчиларни маҳлиё қилди. С.Амир, У.Мўминова, А.Дробшевич, Ш.Отабоев сингари иқтидорли модельер ижодкорларнинг ранг-баранг либос коллекциялари Франция, Хитой, Чехияда бўлиб ўтган мода ҳафталиклари, либослар фестиваллари ҳамда бошқа нуфузли танловларда олқишга сазовор бўлмоқда. Буни францияслик модельер-дизайер Ф.Майернинг фикри ҳам тасдилайди: "Ўзбекистонда ўтказилаётган дизайн ва мода ҳафталиги ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Ёш ўзбек дизайнерлари ишлаган либослар ранг-баранглиги, миллий ва замонавий услубни ўзида мужассам этгани билан кўпчилик қатори менга ҳам манзур бўлмоқда. Ўзбек модаси ушбу соҳада дунёнинг истаган мамлакати билан беллаша олишига аминман".

Бундай таърифдан албатта қувонамиз. Чунки мустақиллик шарофати билан ўзбек миллий либослари янгидан жилоланиб, жаҳонни ром эта бошлади. Бинобарин ватанимизда ўтказилаётган дизайн ва мода ҳафталиклари аввало бу соҳада иш олиб бораётган юртдошларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қолаверса бундай ҳафталиклар Ўзбекистонда яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларининг ҳам вақт ва маконга, инсон ҳаёти ва тафаккурига бўлган муносабатларини ифода этади. Либослар миллий тафаккур ва қадриятлар мезони бўлиб хизмат қилади.

**Нафиса АҲМЕДОВА,**
**Миллий рассомлик ва дизайн институти магистранти**

# БУХОРОГА БОРСАНГИЗ АГАР...

Бухоро сафари арафасида касбдошларимдан бири қизиқ бир воқеани айтиб қолди. Муборак Ҳаж зиёратига борган бир отахондан Бухоро ва Самарқанднинг машҳур тарихий ёдгорликлари ҳақида сўрашганида, у киши хижолат чекиб қолган эканлар. Чунки... бу шаҳарларга қадамлари етмаган экан. "Худо хоҳласа, эсон-омон юртимга қайтсам, албатта, ўзимизнинг муборак шаҳарларимизни ҳам зиёрат қиламан", дея ният қилибдилар.

Бир қарашда оддийгина туюладиган бу воқеа замирида катта маъно бор. Ўз юртининг табаррук қадамжоларини зиёрат қилиш, улар билан фахрланиш ҳам ватанпарварликка киради.

Бухорода кўп бор бўлганман. Бироқ бу гал, юқоридаги воқеа таъсирими, кўнглимда алланечук туйғулар мавжланади. Бу табаррук замин тупроғини қайта-қайта тавоф этиш нақадар хосиятли эканини англайман. Аввалги сафарларим чоғида ишончим комил бўлган — бу ерга қайта-қайта келган одам ҳам ҳар гал янги-янги таассуротлар билан бойийди. Чунки шаҳар тарихини, қадимий ёдгорликларини, бу ерда амалга оширилаётган таъмир ишлари кўламини ўрганиш учун бир саёҳатнинг ўзи камлик қилади. Эски шаҳар кўчаларида ўзингни бир муддат мозийга қайтгандай ҳис этасан, истиқлол йилларида қайта обод этилган зиёратгоҳлар маҳобати дилингни янада равшан этади. Ҳар қандай одам бу жойда ажиб бир ҳаловат топади, кўнглида ёруғлик пайдо бўлади.

Шу ерлик дугонам, Бухоронинг ҳар бир қарич ерида улуғ бир зот, муборак бир авлиё, маърифатпарвар муаллим хоки бор, деганда ҳақ гапни айтган экан. Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф ар-Реврагий,Фағнавий, Хўжа Азизон Ромитаний, Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур етти пир зиёратларига кунига юртимиздан, хориждан минглаб зиёратчилар келишади.

Айтишларича, қуёш бутун оламни мунаввар этса, Шариф шаҳарлардан кўтариладиган нур коинотни нурафшон этар экан. Балки бу рамзий қиёсдир. Бухоро заминида камол топган бу шариф зотлар эътиқоди ва иймонининг мустаҳкамлиги, илму ҳунарда мукаммаллигию ноёб тафаккур зиёси эзгуликка интилган қалбларни илм нури билан ёритган бўлса, не ажаб.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг бевосита кўрсатмаси асосида Бухорода кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бугун бу ерда қадимий ёдгорликлар миллий анъаналар асосидаги замонавий архитектура ансамбллари билан ажиб бир уйғунлик касб этганига гувоҳ бўласиз. Икки қўли кўксида, чеҳраларидан самимийлик балқиб турган одамларини кўриб кўнглингиз кўтарилса, бухороликлар ҳаётида асрлар давомида сақланиб келаётган миллий урф-одатлар қалбингизга ўзгача шуқуҳ бағишлайди. Наврўз айёми кунлари бу ерга келган киши, албатта, бирор хонадонда мучал тўйи нишонланаётганига гувоҳ бўлади. Бу маросимнинг мазмун-моҳияти Шарқда инсонни улуғлаш билан баробар тарзда, шахс сифатидаги камолотига элтгувчи зиналарга бирма-бир қадам қўйишини ҳам ифодалайди.

Мучал тўйи маросими ота-онанинг фарзандига бош-оёқ янги сарпо кийдиришидан бошланади. Шундан сўнг хонадонга йиғилган барча меҳмонлар мучал тўй сабабчисини қутлашиб, унга турли совға-саломлар ҳадя этишади.

"Саллабандон", яъни салла боғлаш деб номланадиган удумни бошқа жойда учратиш қийин бўлса керак. Қиз бола турмушга чиқиб фарзандли бўлгач, уни она сифатида қадрлаш, асраш маъносида, шунингдек, оила масъулияти, бола тарбияси масъулиятини англаш маъносида болага бешик олиб бориш пайти бу удум ўтказилади. Онага бухороча урфда тикилган, ўртасида тилла нақшли гули бор кенг кўйлак кийдирилиб, бошига салла ўралади. Кекса ёшли оналар, серфарзанд бўлсин, бизнинг ёшимизга етсин, қўшгани билан қўша қарисин, дея ният қиладилар.

Бу маросимлар, шубҳасиз, инсонлар ўртасида ўзаро ҳурматни, қадр-қимматни, меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Аслида Инсон деган номнинг ўзи бундан-да юксак ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ. Ёши улғайган сари, инсон елкасига турли масъулият юкланар экан, уни зарур даражада англаш халқимизга хос фазилатдир. Бундан ҳар қанча ибрат ва ўрнак олса арзийди.

Хуллас, Бухорога борсангиз, шунчаки саёҳат қилибгина қолмай, муқаддас зиёратгоҳлари, тарихий ёдгорликлари ва миллий урф-одатларига астойдил қизиқиб кўринг. Ишонамизки, сафарингиз бир умр ёдингизда қолади.



**Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА**

# "ДАҲОНИНГ ТУҒИЛИШИ..."

*Китобингизни ўқидим*

Кейинги йилларда анча фаол ижод қилаётган муаллифларимиз орасида таниқли олим ва адиб Пирмат Шермуҳамедов ҳам бор. Унинг қомусий олим Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва серқирра илмий фаолиятига бағишланган "Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати" номли асаридан бир парчани газетхонлар ҳукмига ҳавола этган эдик. Яқинда "Ворис" нашриёти ана шу асарни китоб ҳолида босмадан чиқарди. Сўзбоши муаллифи академик Азиз Қаюмов, тақризчилар тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов, педагогика фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошев, филология фанлари номзоди Адҳамбек Олимбеков, муҳаррирлар Маҳкам Маҳмудов, Орзиқул Эргаш.

Муаллиф Беруний ҳаёти ва илмий фаолиятини ўзига хос услубда кўрсатиб берар экан, китобхон аллома ватандошимизнинг илмий мероси тўғрисида анча мукаммал тасаввурга эга бўлади. Хусусан, асарда Беруний дастлабки йирик асари "Осорул-боқия" ("Қадимги халқлардан қолган тарихий ёдгорликлар")дан то сўнгги, ёзиб тугаллашга улгурмаган "Сайдана" (доришунослик) асаригача бўлган воқеа-ҳодисалар қамраб олинган.

Дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошимиз неча асрлардан бери инсониятни ҳайратга солиб келади. Алломанинг бир юз элликдан ортиқ нодир асарлари замонлар имтиҳонидан ўтиб, бугун ҳам илмий тафаккур оламида катта аҳамият касб этади. "Ғарбда Ал-Барон" номи билан машҳур Шарқнинг буюк мутафаккир олими Абу Райҳон Беруний инсоният олдида қилган хизматлари шу қадар буюкки, унинг ёнига бошқа бирон бир миллатнинг вакилини қўйиб бўлмайди, — деб таъкидлаган эди Франциянинг собиқ Президенти Франсуа Миттеран. — Жаҳон илм-фани тарихини Абу Райҳон Беруний илмий ишларисиз тасаввур қилиш қийин". "Борди-ю бизнинг миннатқамизда (Европада) дастлабки минг йилликда Беруний дек олимимиз бўлганида ва у лотин тилини ўрганиб, ўткир нигоҳи билан биз каби оддий маданиятли ғарбий европаликларни ташқи дунё тарихидан воқиф қилганида, ундан чексиз миннатдор бўлар эдик", дейди олмониялик шарқшунос олим Г. Штроммайер.

Бундай юксак эътирофларни яна кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, тарихимизнинг биринчи минг йиллигида, орадан яна минг йил ўтса ҳам илм оламини ҳайратга сола оладиган бебаҳо кашфиётлар қила олган Беруний дек алломалар ҳаёти ва илмий фаолиятига бўлган қизиқиш бугун — илм-фан мислсиз даражада ривожланган, не-не жумбоқларнинг сири очилган бир шароитда ҳам ортиб бормоқда. Буни ўзимиздагина эмас, аввалгидек, бутун дунёда кузатиш мумкин.

Шу маънода Пирмат Шермуҳамедовнинг янги илмий-маърифий қиссаси Беруний шунослик илмидаги танаффусга (академик Азиз Қаюмов ибораси) барҳам бериб, бу борадаги изланишларни жонлантириши, кенг китобхонлар оммаси, олимлар, мутахассислар учун ўзига хос маърифий манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Асарнинг илк нашрига сўнгсўз ёзган тарих фанлари доктори Сурайё Каримованинг бир фикри эътиборимизни тортди. Олима ишончли тарихий манбалардан унумли фойдаланган ҳолда илмийлик ва бадиийликни уйғунлаштириб ёзилган бу асарни муаллиф янги бадиий талқинлар, қаҳрамонлар характерини, даврнинг мураккаб зиддиятларини янада тўла акс эттирувчи ҳолатлар билан бойитиб, кенг планли эпик асарга айлантириши мумкин, деган таклифни билдиради.

Ушбу ниятга қўшилган ҳолда, муҳтарам адибимизга янги ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

**М.АҲМЕДОВ**

# Дунё — кенг...

## ШИФОБАХШ РАДИО

***Ҳар куни роппа-роса кечқурун соат еттида Буэнос-Айрес шаҳри кўчаларини кезиб юрадиган такси ҳайдовчиси Эдуардо Коста ўзининг эскигина «тойота»сидаги радиосининг мурватини бураб, керакли тўлқинга қўяди. «Керакли тўлқин»дан эса айни шу вақтда эркак кишининг овози эшитилади: «Ла Колифата» радиоси гапираяпти. Дастлаб бизнинг янгиликларимизни тинглайсиз, кейин эса кечмишларимиздан хабардор бўласиз».***

«Ла Колифата» маҳаллий лаҳжада «ақлдан озган», «телба» деган маънони англатади, яъни «Ла Колифата» радиоси мазмунан «Телба радио» дегани. Бу Аргентина тарихида, эҳтимолки, дунё тарихида биринчи марта ...руҳий касалликлар шифохонасидан олиб бориладиган радио эшиттиришдир.

Радиостанциянинг сухандонлари ва репортёрлари — касалхона беморлари. «Улар сизу биз ўйлаганчалик ақлдан озган одамлар эмас. Улар, шунчаки, нимани ўйласалар шуни гапиришади. Шеърлар ёзишади, қўшиқ айтишади, кечинмаларини дардлашади. Булар бари жуда қизиқ», деб тушунтиради, бу радиостанциянинг ишқибози Э.Коста.

Бугунги кунда бу радио Аргентинада жуда машҳур, мамлакатда «Ла Колифата» дастурини ўн икки миллион киши мунтазам тинглаб боради.

Бу ғаройиб радиостанция фаолияти шундай бошланган эди. Касалхона врачи психолог Алфредо Оливера ўзи қарайдиган бир неча беморни столга ўтқизиб, улардан ўзларини ташвишлантираётган нарсалар ва умуман, нималарни гапиргиси келаётган бўлса, шулар ҳақида бемалол гапиришни сўрайди. Бундай ошкора суҳбат унга қизиқ туюлади. Шундан кейин у касалхона доирасида кичкина радиостудия очиб, унга беморларни таклиф этишга — улар учун ўзларини ҳаяжонга солаётган ҳамма нарсалар ҳақида гапириш имконини яратишга қарор қилади.

«Бу амалнинг ўзида терапевтик таъсир кўрсатиш омили мавжуд, — дейди шифокор А.Оливера. — Чунки унда беморларнинг гапириш ҳуқуқи ва бошқаларнинг ҳам шундай ҳуқуққа эгалиги мужассам.» Ҳақиқатан ҳам, радионинг беморга кўрсатган шифобахш таъсири кутилганидан ҳам зиёда бўлди. «Ла Колифата» эшиттиришларида иштирок этган беморларнинг ўттиз фоизи соғайиб, шифохонани тарк этишган. «Радиомуолажа» билан қатнаб шуғулланётганлар орасида эса бирор киши шифохонага ётиб даволанишга эҳтиёж сезмаган.

Яқинда «Ла Колифата» радиостанцияси Аргентина телевидениесининг «Канал — 7» телеканалида чиқиш қилди. Кўрсатувни олиб борган Норберто Лопеснинг айтишича, радио ва телевидениедаги чиқишлар беморлардаги руҳий танг ҳолатларни бартараф этган.

## ДЕВЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БУЮМЛАР

***Кейинги пайтларда ҳар хил буюм, идишларнинг жуда катта ҳажмдаги нусхаларини тайёрлаш урфга айланаётир. Бундайин ғаройиб нарсалар, албатта, кишилар турмушида қўлланмайди. Уларни эртакларда тасвирланган девларга мўлжалланган идишлар, дейиш мумкин.***

Ҳиндистондаги бир компания ҳам бу борада рекорд ўрнатишга муяссар бўлган. Компания томонидан ясалган балдоқли пиёла (крушка)нинг баландлиги олти метр тўқсон олти сантиметр, диаметри эса тўрт метр йигирма олти сантиметр. Чиндан ҳам бу идишдан дев фойдаланмаса, одам боласи имконсиз. Чунки унинг оғирлиги уч ярим тоннадан ошади. Идиш Бангалордаги қаср ҳовлисидан жой олди.

Яна бир ғаройиб буюм исландиялик мусиқа асбоблари устаси Стефан Гайр Карлсонга тегишли. Уста Италияда ўсадиган пинии деб аталадиган дарахтдан узунлиги беш метр келадиган най ясади. Энди бу ажойиб мусиқа асбобида чала оладиган созанда топилармикан?

АҚШнинг Мэриленд штатида ясалган баландлиги беш ярим метрча, диаметри қарийб тўрт метр келадиган челакнинг сиғими 57 644 литр.

# МОЗИЙНИНГ ЎКТАМ САДОСИ

Тарих — буюк мураббий; инсон маънавияти, руҳияти ва фикрини тарбиялайди. Тафаккур учун беқиёс имкон беради; ўтган улкан сиймолар ҳаёти йўли ва илмий-адабий, амалий фаолиятидаги бир дунё ибратлардан сўзлайди.

Қадим авлод-аждодлар бино қилган муҳташам обидалар, миноралар, масжид ва мадрасалар мозийдан садо беради. Хусусан, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида қад ростлаган ва бугун ҳам дунёнинг турли мамлакатларидан оқиб келаётган сайёҳатчи эътиборини ўзига тортаётган ноёб обидалар боболардан мерос. Улар кўнгилга ғурур бағишлайди. Осмонўпар, донишманд оқсоқолдек савлат тўкиб турган бу бинолар миллат салоҳияти ва "мен"идан дарак беради. Қалб кўзи очиқ инсон учун булар мусаффо осмон остидаги муҳташам бир ибратхонадир.

Бугунги авлодга узоқ-яқин мозийдан юзлаб-минглаб ноёб қўлёзма асарлар етиб келди. Уларда ҳам тарих муҳри бор. Энг муҳими, ўша манбалар бугун жиддий тадқиқ қилинмоқда, миллий руҳ ва мафкура назаридан қайта баҳосини олаётир. Ҳикматларга тўла бу нодир манбалар моҳиятан чинакам тарихга йўл очади; аждодлар қалб зиёсининг нури таралади.

Ана шундай моддий ва маънавий ёдгорликларни, қўлёзмалардаги тарих ҳақиқатини, халқнинг қадимий урф-одатларини, музейлар ҳолатини айнан мунтазам равишда ёритиб келаётган "Мозийдан садо" журнали бугун ўн ёшга тўлди.

Ҳар қандай нашр бўшлиқда пайдо бўлмайди. Муайян зарурат туфайли майдонга келади. Ўзига хос йўналиши, миллатнинг маънавий турмуш даражасини юксалтиришга, мамлакат маданий ҳаётига фойда берадиган соғлом ғоявий йўлига эга бўлган нашрлар узоқ яшайди. Шу маънода "Мозийдан садо" журналининг йўлини белгилаш, ташкил этиш жараёнида республиканинг таниқли олимлари иштирокида янги нашрнинг яхлит концепцияси ишлаб чиқилганидан хабардормиз.

Ўтган йиллар мобайнида журнал саҳифаларида берилаётган тарихий-маданий мерос ва ўлмас қадриятларга оид туркум мақолалар тарихсевар ўқувчиларни, соҳа мутахассисларини, музей ходимлари ва музейшунослар эътиборини ўзига жалб қилиб келади. Унда этник тарих, бой моддий ва маданий, адабий ва маънавий мерос сарчашмаларига доир илмий мақолалар мунтазам чоп этилади. Улар тарихни тўғри, холис ўрганиш ва ўртгатишга, халқнинг маданий-ахлоқий анъаналарни теран англаш ва англатишга, миллий ғурур ва ўзлик туйғусини кучайтиришга қаратилгандир.

Журналнинг 40 та сонида 600 дан ортиқ мақолалар берилган бўлиб, уларнинг муаллифлари таниқли адабиётшунос, музейшунос, тарихшунос, санъатшунос, мусиқашунос олимлардир. Айни чоқда журналда ёш мутахассислар, вилоятлардаги музейларнинг илмий ходимлари, олий ўқув юртларининг муаллимлари жуда фаол қатнашади.

Маълумки, бугун Ўзбекистон ҳудудида турли даражадаги жами 1200дан ортиқ музей фаолият олиб боради. Уларнинг энг йириклари пойтахтда жойлашган. Ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбобларининг уй-музейлари ишлаб турибди. Ана шу музейлар фаолияти ва уларда сақланаётган ноёб қадимшунослик, нумизматик, этнографик жамламалар, тасвирий ва амалий санъат асарларини тарғиб этиш, соҳанинг илмий-назарий муаммоларини ёритиш журналнинг етакчи мавзуси саналади.

Журнал машҳур ислом маданияти арбоблари ижодига, Шарқнинг қомусий олимлари ва мутафаккирлари илмий меросига кўп мурожаат қилади. Улар ҳаёти ва ижодининг шарқона одоб-ахлоқи асослари, дунё илм-фанига қўшган ҳиссалари ёшларга ибрат қилиб кўрсатилди.

Бухоро ва Хива, Термиз ва Шаҳрисабз, Марғилон ва Самарқанд каби тарихий шаҳарларга алоҳида диққат қаратиш, уларнинг қадим ўтмишига тегишли янгидан-янги маълумотларни бериб бориш қувонарли ҳолдир.

"Буюк Ипак йўли — ҳаёт ва тақдирлар дарёси" рубрикаси остида берилган "Шонли сулола авлодлари", "Чиннинг бухоролик ҳокими", "Чинга бориб қолган самарқандлик солорлар", "Туркистонликлар Пекинда", "Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши", "Хитой манбалари" ҳақидаги туркум мақолалари янгича талқинлари билан ажралиб туради.

"Мозийдан садо"да айрим хорижлик муаллифларнинг, жумладан, инглиз тарихчиси Сьюзан Вайтфилд Фердинанд Рихтгофен, испан олими Педро Гинохоснинг мақолалари ҳам эълон қилинди.

Ушбу нашр хорижда ҳам ўқилади. Японияда чиқадиган «Маданий қадриятлар дунёси» журналининг 2005 йил 18-сонида "Мозийдан садо" журнали хусусида махсус мақола босилди; хориж мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлди. Унинг айрим сонлари Гумбольд университети қошидаги Марказий Осиёни ўрганиш институти кутубхонасига етиб борганига ўзим гувоҳ бўлдим. "Мозийдан садо" бир вақтнинг ўзида ўзбек, инглиз ва рус тилларида босилади. Журнал бугун республикадаги бошқа нашрлар орасида ўзининг муносиб ўрнига эга. Келгусида ҳам мозийнинг бундай ўктам садоси уйғоқ қалбларда акс-садо беражак. Зотан, Маҳмудхўжа Беҳбудий айтмоқчи, "Мозий — истиқболимизнинг тарозисидир".

**Баҳодир КАРИМ,**
**филология фанлар доктори**

*Газетхон илҳоми*

**Мен ёлғонга отилган ўқман,**
**Далалардан учиб ўтарман,**
**Тоғ-тошни ҳам тешиб ўтарман.**

**Дил ўзингга тилагин тўзим,**
**Уммон билан олишай бир зум,**
**Тўфон билан талашай бир зум.**

**Фақат, макр дуч келиб бехос,**
**Роттўй дилга қадалмаса, бас,**
**Нишонимдан адашмасам, бас.**

**Нормўмин ЭРКАЕВ**

*Чироқчи тумани*

# АТИРГУЛЛАР ЖИЛОСИ

*Мамлакатимизда таниқли карикатуравчи Абдурасул Ҳакимовнинг асарлари кириб бормаган хонадон топилмаса керак. Рассом қирқ йилдан буён ҳар куни таҳририятларни айланиб, янги, теша тегмаган мавзуда ҳажвий суратлар тақдим этади. А.Ҳакимов мамлакатимиз ва хорижий кўргазмаларда фаол иштирок этиб, диплом ва совринларга сазовор бўлган. Унинг ёши етмишни қоралаб қолган бўлсада, қалбида ҳамон ижод қилиш иштиёқи жўш уради.*

*Бадиий академияда намойиш этилган "Хуш келибсан, ассалом Наврўз" номли кўргазмада Абдурасул Ҳакимовнинг "Атиргуллар очилганда" номли сурати ҳам ўрин олган. Нафосат ёғилиб турган бу суратни томошабинлар завқ билан томоша қиладилар. Абдурасул акадан ушбу картинанинг яратилиш тарихи ҳақида сўрадик.*

— Бу асаримни ҳовлимизда барқ уриб ўсиб ётган атиргулларга қараб чизганман. Ёшлик шижоати ила чизилган бу асарим орадан қирқ йил ўтса-да, байрам кўргазмаларида намойиш этилмоқда. Рангтасвирда кўпгина манзаралар яратганман, — дейди А.Ҳакимов. — Аслида мен Бенков номидаги республика рассомлик билим юртининг рангтасвир бўлимида таҳсил олганман. Афсуски, тақдир тақозаси билан соғлигим ёмонлашиб, турли бўёқлар билан ишлаш оғирлик қилди. Шу пайтда акам "Муштум" журналини кўтариб келдилар. "Буни қара, сен ҳам шунақа карикатура суратлар чизсанг бўларкан", дедилар қувониб. Журналнинг ҳамма саҳифаларини синчиклаб ўқиб чиқдим. Айниқса, ундаги суратлар мени ўзига мафтун қилди. Тўшакда ётсам-да хаёлимда, фақат суратлар чизардим. Оёққа туриб кетган кунимдан бошлаб карикатура йўналишида суратлар ишлай бошладим. Мана, қирқ йилдирки, республика матбуотида суратларим босилиб келади.



**— Карикатура жанрининг имкониятлари қандай? Асосан шу жанрда ижод қилишингизнинг сабаби нима?**

— Аввало, карикатуранинг имкониятлари жуда кенг ва оммавийдир. Асосий вазифаси турмушдаги камчиликларни фош этишга қаратилган бу жанр каттаю кичикка бирдек қизиқарли. Лекин бу карикатурада ишлаш осон дегани эмас. Зеро, бу йўналишда чизилган суратлар томошабинларни ҳам кулдириб, ҳам ўйлантириши лозим. Масалан, илгари катта-кичик ариқлардаги сувлар тоза оқар, ҳеч ким чиқинди ташламасди. Йўловчилар бемалол ариқдан ҳовучлаб сув ичиб кетарди. Ҳозир эса ариқлар чиқиндиларга тўлиб ётибди. Ўз асарларимиз билан ҳаётимизда учраб турадиган шу каби лоқайдликлардан одамларни огоҳ этамиз, ҳушёрликка, инсофга чақирамиз. Карикатура жанрида суратлар чизиш учун атрофимизда мавзу жуда кўп. Фақат зийрак бўлиш, зарурни нозарурдан ажрата билиш лозим. Карикатура ҳаётимнинг мазмунига айланган. Ҳаётда нима топган бўлсам шу ижодим туфайли топдим. Ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, ранг-баранг мавзуларда суратлар чизиб халқимизни хурсанд қилиш ниятим бор.

**Сарвара**

*Ағар сиз яқин дўстларингиздан бирига шу чоққача бирор кишининг хаёлига ҳам келмаган ғаройиб совға қилиб, кўнглини олмоқчи бўлсангиз, қимматли вақтингизни кетгизиб, магазинма-магазин юрманг. Шу яқин-атрофдаги почтага киринг-да, ўша дўстингизни адабиёт газетасига обуна қилдириб қўйинг. Бундан боши осмонга етган дўстингиз келаси йили сизни ё "Шарқ юлдузи" журналига ёки "Жаҳон адабиёти"га обуна қилади. Сиз "Ҳали шунақами?", дейсиз-да, дўстингизнинг ота-онаси ёки қайнота-қайнонасини ҳам "ЎзАС"га ёздирасиз. Улар сизларга, ҳойнаҳой, "Тафаккур" журналини муносиб кўришади. Сиз ҳаяжон билан дўстингизнинг кўни-кўшниларини обунага жалб қиласиз. Ишончимиз комилки, бу мурувватингиз ўз самарасини беради. "ЎзАС" обунаси йил — ўн икки ой давом этмоқда.*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Самандар Воҳидовга акаси

**Искандар ВОҲИДОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Утеряно дополнение к Уставу об изменение уставного капитала, Общества с ограниченной ответственностью «MARCONI TRADING» от 01.04.2008 г. Просим нашедшего связаться по тел: 277-96-55, 277-96-31, 277-06-87.

* * *

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Гулобод маҳалласининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

ООО «PRAGA STUDY» зарегистрированное решением хокимиятом Мирабадского района г.Ташкента за №003723-03 от 06.03.2009 г, ИНН 301089093, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ**. Притензии принимаются в течении 2 месяцев с момента опубликования указанного объявления по тел: 591-51-68.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПЎРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55
Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Жамшид МАТЁКУБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 6613. Буюртма Г — 348. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН